



BAXTIMIZ QOMUSI

3-sahifa ►►

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 8-dekabr, №49 (3008)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

VATANPARVAR



www.vatanparvar.uz

SIYOSIY, MA

HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



**DUSHMANNING ZARBI YERGA TUSHA,
OTNING TUYOG'IDAN MA'LUM BO'LADI.**

“Nurali” dostonidan



CHIMYON CHO'QQISIDA

7-sahifa ►►



SARAGI SARAKKA...

9-sahifa ►►



“BEK BULLY” — “BEZORILAR BEZORISI”

19-sahifa ►►

@ vatanparvar-bt@mail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

15

OLIMNING
SHAMOYILI

16

URUSH, NOMING
O'CHSIN
JAHONDA!

17

VATANNI
ASRAMOQLIK
ULUG' ISHDIR

Tahririyat
haqida
ma'lumot



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азишларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуг тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуккур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустақам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи

назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида «Янги Ўзбекистон» деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда «**Инсон – жамият – давлат**» деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуккур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуглаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустақамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончи ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоалари-

да, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сизҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи па-ноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН 402 НАФАР ШАХС АФВ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **402** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **128** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **201** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **15** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **58** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум

этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **17** нафарини чет эл фуқаролари, **63** нафарини аёл, **26** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда **19** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдироти билан танишди.

Ер ости сувлари табиат ва аҳоли учун энг зарур чучук сув манбаларидан бири. Ундан тартибсиз фойдаланиш оқибатида кўп жойларда ер ости суви камайиб кетмоқда. Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг айрим ҳудудларида унинг сатҳи 5 метргача пасайиб кетган.

Шунга қарамай, жойларда рухсатсиз қудуқлар бурғилаш, ер ости сувларидан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Шу боис, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ер ости сувлари муҳофазасини кучайтириш ва ундан

фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, ер ости сувининг сатҳи 5 метрдан зиёд пасайган ҳудудларда қудуқлар бурғилаш ва ер ости сувларидан фойдаланишга мораторий жорий қилинади.

Ҳозирги кунда қудуқларнинг 90 фоизиди ҳисоблагич йўқлиги сабабли ер ости сувлари сарфи тўғрисида аниқ маълумот тўплаш имкони бўлмапти. Шунинг учун ер ости сувларидан фойдаланувчиларга 2024 йил 1 январга қадар ўз тасарруфиди иншоотларни сув ҳисоблагич билан жиҳозлаш мажбурияти қўйилмоқда.

Шунингдек, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ҳар бир қудуққа алоҳида эмас, балки қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш йўлга қўйилади. Сатҳи пасайиб кетаётган ер ости суви конларини тубдан қайта баҳолаш бўйича геология-қидирув ишлари амалга оширилади.

Яна бир янгилик – ер ости сувларининг ҳолатини кузатиб бориш, хавфли геологик жараёнлардан муҳофаза қилишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида Давлат геологик мониторинг хизмати ташкил этилади.

Умуман олганда, бу чора-тадбирлар ер ости сувининг камайиш жараёнини тўхтатиш ва бошқа ҳудудларда бундай ҳолат юзага келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, сувдан ҳисобсиз фойдаланишга чек қўйиш, бу борада интизомни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Чучук сув манбаларини асраш ва аҳоли учун узоқ муддатга етадиган захира яратиш муҳимлигини таъкидлади.

(ЎЗА)

Bayram shukuhi



БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Мудофаа вазирлиги
марказий аппаратида
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганининг
30 йиллиги муносабати
билан тантанали
тадбир бўлиб ўтди.
Унда мудофаа вазири
генерал-лейтенант
Баходир Курбонов,
вазир ўринбосарлари,
Олий Мажлис
Сенатининг Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси
Кутбидин Бурханов
хамда Қуролли Кучлар
фахрийлари
иштирок этди.

тутишини таъкидлади. Жумладан, у мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини, қолаверса, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизнинг бош омили Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асослар эканини алоҳида эътироф этди.

принциплар мужассам эканини бугун ҳар бир юртдошимиз чуқур ҳис этмоқда. Зеро, тинчлик, osoйишталик ва фаровонлик кафолати бўлган, мамлакатимиз келажагини белгиловчи бу дастуриламал, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига уйғун равишда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаб, улкан ютуқ ва марраларга, жумладан, аҳоли фаровонлигининг йилдан йилга ошишига, барча соҳаларнинг барқарор ўсишига улкан ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз обрў-эътиборининг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини тобора юксалтириб, унинг халқаро майдондаги ижобий имижини яратмоқда. Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кутбидин Бурханов шу ҳақда атрофлича фикр юритиш асносида Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари, мамлакатда миллий хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий принцип ва нормалари ҳақида йиғилганларга маълумот берди.

Тантанада бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, фахрийлар ва Қуролли Кучлар хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ, «Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланди. Яна бир гуруҳи мудофаа вазирининг тегишли буйруғига асосан, навбатдаги ҳарбий унвон, «Мудофаа вазирлиги аъло-



Байрамона руҳда бошланган тадбирда сўзга чиққан мудофаа вазири йиғилганларни Ватанимиз ҳаётидаги ушбу қутлуғ сана билан табриклар экан, Конституция ўз моҳиятига кўра, халқ иродасини олий даражада ифодаловчи, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳамда давлат бошқарувининг демократик тамойилларини мустаҳкамловчи Бош қомусимиз эканлигини, шунинг учун у юртимизда умргузаронлик қилаётган ҳар бир фуқаронинг ҳаётида, муносиб турмуш кечиришида муҳим ўрин

Ҳа, бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасида – эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш борасида қандай улкан муваффақиятларга эришган бўлсак, барчасининг замирида Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар,

чиси», «Намунали хизмати учун», «Жанговар фаолияти учун», «Махсус операциялар кучлари» кўрак нишонлари, мудофаа вазирининг эсдалик нишони, қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан тақдим этилган концерт дастури тантананага ўзгача шукух бағишлади.

Майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВА



“Vatan bilan ulgʻayar shon-shavkatimiz”

Ватанпарварлик нима?
Бу тушунчага лугатда
қуйидагича таъриф
берилган: «Ватанпарварлик
– кишиларнинг она
юртига, ўз ошёнига
мухаббати ва садоқатини
ифодалайдиган тушунча.
Ватанпарварлик барча
кишилар, халқ, миллатлар
учун умумий бўлган, асрлар
давомида сайқалланиб
келган умуминсоний туйғу,
маънавий кадриятлардан
бири. Тарихий жихатдан
ватанпарварлик кишининг
ўз Ватани тақдири
билан боғлиқ ижтимоий
ривожланиш, халқларнинг
ўзлари яшаётган
худуднинг дахлсизлиги ва
мустақиллиги йўлидаги
кураши жараёнида
такомиллашиб келган
хис-туйғулар жамланмиси
ҳамдир. Бу Ватаннинг
ўтмиши ва ҳозирги билан
фахрланишда, унинг
манфаатларини ҳимоя
қилишда намоён бўлади».

Агар бу тушунчани кенгайтиради-
ган бўлсак, ватанпарварлик қуйида-
гиларда акс этади:

– Ватанни борица, манфаатсиз
севиш;

– Ватан ўтмишини қадрлаш, фахр-
ланиш, келажаги раванкига ҳисса
қўшиш;

– Ўз манфаатларини Ватан ман-
фаатлари билан уйғунлаштири олиш,
лозим бўлганда, Ватан манфаатини
устун қўйи билиш;

– Ватандан ташқарида Ватан ман-
фаатларини ҳимоя қилиш;

– Ватан билан уйғун борлиқ ва
воқеликлари (*халқ, миллат, ватан-
дошлар, миллий кадриятлар, она
тили, ўзлик, миллий ғурур қабилар*)
ҳам севиш ва қадрлаш;

– Ватаннинг раванки йўлида ўз
меҳнати ва фидойилигини аямаслик;

– Ватанни ва Ватан номини,
шаънини кўз қорачиғидай асраб-
авайлаш;

– Ватанни турли таҳдид ва хуруж-
лардан, босқинлардан, тажовузлар-
дан ҳимоя қилиш;

– Ватан мухаббатиде тафаккур ва
туйғуни уйғунлаштири олиш.

Худди шунингдек, ҳарбий-ва-
танпарварлик, деган тушунча ҳам
бор. Айнан Ватанга бўлган юксак
даражадаги меҳр ва садоқат, Ватан
тимсолида ўз онасини, оиласини
ҳамда бахтини кўра билиш, Ватан
манфаатини олий ўринда кўриш си-
фатларигина инсонда фидойиликни
вужудга келтиради.

Хусусан, 2018 йил 23 февралда
эълон қилинган «Ёшларни ҳар-
бий-ватанпарварлик руҳида тарбия-
лаш концепцияси»да ёшларни Ва-
танга садоқат ва миллий ғоя руҳида
тарбиялаш, уларнинг қалбу шуурини
Ватан ҳимояси энг муқаддас ва энг
шарафли бурч эканини теран сингди-
риш, тарихимиз, кадриятларимиз ва
маданиятимиз билан ғурурланиш,
шунингдек, Ватан озодлиги, мус-
тақиллиги ҳамда раванки йўлида
фидокорона меҳнат қилган, кураш-

ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШДА



АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

ган миллий қаҳрамонлар билан фахр-
ланиш, шундай аждодларга муносиб
ворис бўлиш туйғусини кучайтириш
қабилар муҳим вазифалар қилиб
белгиланган.

Инсонда ватанпарварлик хислат-
ларини шакллантириш бир қанча
омилларга боғлиқ. Булар қаторида
оила тарбияси, маҳалла таъсири,
таълим, муסיқа, санъат, адабиёт
каби омилларни санаб ўтиш мумкин.
Бу омиллар орасида бадиий адабиёт
алоҳида ўрин тутати. Хўш, мана шу
вазифаларни адо этишда адабиёт-
нинг ўрни қандай?

«Адабиёт халқнинг юраги, элнинг
маънавиятини кўрсатади. Бугунги
мураккаб замонда одамлар қалбига
йўл топиш, уларни эзгу мақсад-
ларга илҳомлантиришда адабиёт-
нинг таъсирчан кучидан фойдала-
ниш керак», деган эди Президент
Шавкат Мирзиёев «Адиблар хиёбо-
ни»да сўзлаган нутқида.

Ватанпарварлик сифатлари ин-
соннинг руҳий оламида содир бўла-
ди. Ана шу руҳий оламни мукамал-
лаштиришда, қолаверса, фикр ижод-
корлигини таъминлашда адабиётнинг
ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Адабиёт
инсон тафаккурини эркинлашти-
ришда юксак даражада кўмаклаша-
ди. Инсоннинг қай даражада ташаб-
бускорлиги, изланувчан ва ижодкор
бўлиши, қолаверса, ватанпарварлик
масъулиятини англаб етиши айнан
унда тафаккур мустақиллик даража-
си билан белгиланади. Ватанпарвар-
лик нафақат туйғу, балки тафаккур-
нинг ҳам маҳсулидир. Инсон кимга
ёки нимага меҳр қўйиши лозимлиги-
ни тафаккур орқали таҳлил қилади,
хулосага келади ва туйғуларга эшик
очади. Тафаккур қолипга тушиб қол-
са, у эргашувчанлик хусусиятини ўз-
лаштири бошлайди ва яратувчанлик,
изланувчанлик моҳиятидан мосуво
бўлиб боради.

Мактабда ўтиладиган фанлар
ҳам, албатта, болада фикр ривожига
ҳисса қўшади. Бадиий адабиёт эса
ечимлар ва ҳақиқатлар турфали-
ги билан ажраб туради. Ўқувчи ўз
ҳақиқати ёки ечимини топиши учун
ўз мақсадлари ва ғояларидан келиб
чиққан ҳолда мустақил тарзда тафак-
кур қилиши лозим бўлади. Айтайлик,
«Кумушнинг ўлимида кимни айбдор
деб биласиз?» деган саволга жавоб
беришда ҳар ким ўз қарашларидан,
тафаккур даражасидан келиб чиқиб
жавоб беради. Унинг жавоби муал-

лиф ёки ўқитувчининг жавобидан
фарқ қилган тақдирда ҳам мантиққа
зид ҳисобланмайди.

«Агар болаларни мустақил фикр-
лашга ўргатмоқчи бўлсак, энг ав-
вало, уларни эртақлар тўқишга,
саргузаштлар тузишга ундаш керак.
Фикрни фақат янги, аввал учрама-
ган, тортишувларга сабаб бўладиган
масалаларга сарфлаш лозим. Зери-
киш – фикрнинг душмани», деган
эди эртақчи адиб Ж. Родари. Бундан
келиб чиқадики, аллалар ва эртақлар
орқали инсон илк болалигиданоқ
адабиёт билан ошно бўлиши лозим.
Тили чиққанданоқ бола эшитаётган
эртаққа муносабатини билдиради:
саволлар беради, гоҳида эса, «кейин
мана бундай бўлибдими?», деб эр-
так воқеасини бошқа томонга буриб
юборади. Шундай ҳолларда эртақ
воқеаси ривожиде болага эргашиб,
унинг мустақил фикрлашига йўл
қўйиб бериш лозим.

Маълумки, одам оламни даставвал
сезги органлари билан англайди.
Сезги органлари кучи етмаган воқе-
лик, борлиқ инсон тафаккури билан
англанади. Навоий айтганидек,
«...ҳар ишки қилмиш одамизод, Та-
факкур бирла билмиш одамизод».

Ёки француз файласуфи Декарт-
нинг таъкидлашича: «Мен фикрлаяп-
ман, демек мен мавжудман». Бундан
келиб чиқадики, инсон жисмонан ёки
руҳан Ватан ичра бўлмоқлигини ан-
лаш ҳам Ватанда мавжудлик белгиси.

Мустамлакачилар учун ўзларига
тобе мамлакатларни бўйсунди-
ришда ўша мамлакатларнинг миллий
адабиёти тўсиқ воситасини ўтагани
билан хавф туғдириб келган. Шу
боис улар қўл остидаги миллатларда
тил ва адабиёт таълимини чеклаш
чораларини кўрганлар.

Адабиёт асосан инсоннинг туйғу-
лари билан иш кўради. Ўқувчи ба-
диий сўз кўмағида яратилган адабий
қаҳрамонни ўзича тасаввур қилади.
Шу асосда кўнглида шахсга муноса-
бат шаклланади, инсонда борлиқни
туйғулар орқали билиш қобилятини
шакллантиради.

Биринчидан, адабиёт – фикр
эркинлигини ривожлантиради, бу
ватанпарварлик ҳамда ҳарбий-ва-
танпарварлик ғояларини сингди-
ришда муҳим аҳамиятга эга. Маъна-
вий юксаклик мустақил фикр асоси-
дагина шакллантирилади. У юртни
шунчаки севиш керак, деб ўргатил-
гани учун севмасин. Аксинча, нима

учун севиш кераклигини мустақил
ҳал этсин, мустақил хулоса қилсин.
Шунда бу фикр ўзгарувчан бўлмайди.

Иккинчидан, адабиёт фалсафий
фикрлашга ўргатади, бу маълум муам-
мо олдида турганида инсон тўғри ечим
топа олишида муҳим ўрин тутати.

Учинчидан, адабиёт тарбия
воситаси ҳисобланади, қаҳрамон-
лари ортидан эргаштира олади. Ин-
сон севган қаҳрамонларига тақлид
қилади, унинг ғояларини ўзлашти-
ради, қаҳрамони туйғуларини маъ-
лум даражада ўз кўнглига кўчириб
ўтказади. Адабиёт ўқитишнинг ҳам
чинакам мақсади ўқувчига гўзаллик-
ни ҳис этиш, бадиий асардан, сўздан
завқ ола билишни ўргатиш орқали

ёшлар маънавиятини шаклланти-
ришдан, уни тоза қалб эгаси қилиб
тарбиялашдан иборатдир. Бундай
сифатга эга одам фақат яхшилиққа,
ташаббўсга, яратишга қодир бўлади.
Адабиёт одоблар хазинасидир.

Тўртинчидан, адабиёт қалбни,
хис-туйғуларни тарбиялайди, гў-
заллаштиради. Ватанга мухаббат
айнан хис-туйғулар ҳосиласидир.
Инсоннинг хис-туйғулари иштиро-
кисиз ҳақиқатга интилиш ва эришиш
мумкин эмас. Адабий асарни ўқиб,
инсонни сўздан таъсирланиш, уни
туйиш ва ундан баҳра олишга ўр-
гатиш, бадиий сўз ёрдамида инсон
шахсиятида гўзал сифатлар, ижобий
фазилатларни тарбиялаш мумкин.

Бешинчидан, у ўқувчида сўз
бойлигини шакллантиради, нутқини
равонлаштиради, жумлаларни тўғри
тузишга кўмаклашади.

Олтинчидан, адабиёт – сиёсий
қурол вазифасини ўташи мумкин.
Собиқ Иттифоқ даврида коммуни-
стик мафкурани тарғибот қилиш
ва одамлар онгига сингдиришда
адабиётдан кучли қурол сифатида
фойдаланилгани маълум. Бу ўринда
Абдулла Ориповнинг «Темур тиги
етмаган жойни қалам билан олди
Алишер», деган мисраларини эслаб
ўтиш кифоя.

Еттинчидан, адабиёт ғоя тарғи-
ботчиси бўлиб хизмат қилиши,
ўқувчини маълум бир ғоя ортидан
эргаштириш қудратига эга. Адабиёт
инсонда маънавий ва ақлий камолот-
ни таъминлайди.

Саккизинчидан, адабиёт билим
бериш функциясини ҳам бажаради.
Адабиётни ўзлаштириш учун бадиий
сўз ва унинг гўзаллигини ҳис қила
билиш лозим. Бунинг учун эса ба-
диий билимдонлик бўлиш керак. Бун-
дан ташқари, бадиий адабиёт ўзида
акс эттирган воқелик ва қарашлар
билан дунёвий билимлар сари ҳам
етаклайди, улардан хабар беради.

Демак, ватанпарварлик туйғула-
рини тарбиялашда адабиётнинг ўрни
жуда юқори. Боланинг адабиётга,
китобга ошно бўлиши – Ватанга ошно
бўлиши демакдир.

Шахло АХРОРОВА,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори,
РМММ ҳузуридаги
Ижтимоий маънавий
тадқиқотлар институти
катта илмий ходими

Rag'bat



Mualif suratga olgan

СПОРТЧИЛАРНИНГ ҲАРБІЙ УНВОНИ ОШДИ

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА БИР ГУРУХ СПОРТЧИЛАРГА НАВБАТДАГИ ҲАРБІЙ УНВОНЛАР ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ.

Унда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев халқаро аренада мамлакатимиз байроғининг баланд кўтарилиши ва давлат мадҳияси баралла янграшида ҳарбий спортчиларнинг ҳиссаси салмоқли эканини таъкидла-

ди. Тадбирда қайд этилганидек, 2022 йилги мавсум якунларига кўра, Мудофаа вазирлиги спортчилари жами 581 та турли даражадаги медални қўлга киритди. Шундан халқаро турнир ва мусобақаларда 213 та (84 та олтин, 57 та кумуш, 72 та бронза), республика миқёсида эса 368 та

(180 та олтин, 113 та кумуш, 75 та бронза) медаль жамғарилди.

Спорт тарихида номлари муҳрланган катта лейтенант Давлат Бобонов ва кичик сержант Диёра Келдиёрова ўз вазн тоифаларида жаҳон рейтингининг карвонбошига айланди. Боку шаҳрида ўтказилган «Катта дубулға» турнирида тарихда ilk бор ўзбек дзюдочи қизи Д. Келдиёрова жаҳон рейтингини пешқадамига айланиб, 1-ўринни эгаллади. Тошкентда ўтган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритган Д. Бобонов эса олтин ме-

дални давлатимиз раҳбари қўлидан қабул қилиб олди.

Тадбирда Мудофаа вазирлигининг ўнга яқин спортчисига навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди. Эътиборлиси, эришилган юқори натижалари учун Давлат Бобоновга муддатидан олдин «катта лейтенант» ҳарбий унвони берилди. Тақдирланганлар ҳарбий спортчиларнинг нуфузли халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши учун алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда қулай шароит, зарур имкониятлар яратилаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

**Лейтенант
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

Davra suhbatı



Сухбат давомида сарҳадларимиз посбонлари томонидан ҳам Бош қомусимиз барча жабҳаларда, хусусан, ҳарбий соҳадаги ислохотларни амалга оширишда, юртимиз тинчлиги,

йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси Чегара қўшинлари тактик қўмондонлиги факультети курсантларининг байра-



КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ

ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ БЎЛМИШ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Ана шундай тадбирлардан бири Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги бошқарув аппаратида ҳам бўлиб ўтди. «Конституция – келажагимиз кафолати» мавзусида ўтказилган давра суҳба-тида Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори Феруза Муҳиддинова Асосий қонунимиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини эътироф этди.

Шунингдек, ўтган йиллар давомида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолиб, бу йўлда улкан ишлар амалга оширилгани, катта билим ва тажриба тўплангани, эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айлангани алоҳида таъкидланди.

унинг бугунги юксак тараққиётини таъминлаш ва ҳар биримизнинг эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланган тадбирлардан яна бири Тошкент туманининг чегара олди ҳудудида жойлашган 15-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилиб, унда Чегара қўшинлари фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. «Уч авлод учрашуви» шаклида ўтказилган тадбир давомида Конституциямизнинг яратилиш тарихи, унинг мазмун-моҳияти, мамлакат тақдири ва фуқароларимиз ҳаётида тутган ўрни хусусида суҳбат қурилди.

Қизиқarli савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбир мактаб ҳовлисида кўчиб, бу ерда иқтидорли ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-кўшиқ ва рақслар, бадий чиқишлар ҳамда мактабда ташкил этилган «Турон» спорт клуби аъзоларининг қўл жанги кўринишлари

мона чиқишлари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг ҳарбийлар ва ёшлар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилиб, ғолиблар ташаккурнома ва китоблар билан тақдирланди. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси давомида эса ўқувчи-ёшлар ҳарбий акаларидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

**Майор Фарида БОБОЖОНОВА
ДХХ Чегара қўшинлари**



“Men gʻolib!”

Мудофаа вазирлиги кўшинларининг жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, кўшилма, ҳарбий қисм ва муассасалардаги мутахассисларнинг назарий ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш, шахсий таркиб ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг уюшқоқлик ва биродарлик сифатларини ошириш мақсадида «Мен ғолиб!» шиори остида армия ўйинлари мусобақалари ўтказилмоқда.

ҲАРБИЙ

ЧАВАНДОЗЛАР

БЕЛЛАШУВИ



Албатта, бу каби беллашувларнинг йил сўнгида бўлиб ўтаётганида ҳам рамзий бир маъно мужассам. Боиси ҳарбий хизматчиларнинг йил давомида орттирган тажрибаси, мутахассислик бўйича эгаллаган билимлари синовдан ўтмоқда. Бунда жамоалар биринчилик учун баҳсга киришиб, ўз ҳарбий округи шарафини муносиб ҳимоя қиляпти.

Ана шундай мусобақалардан бири бўлмиш «Отлиқ марафон» баҳслари «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлари марказида бўлиб ўтди. Ҳарбий чавандозлар минали майдондан ўтиш, от эгарлаш, ориентирлаш ва белгиланган нуқтада жойлашиш, ярадорни эвакуация

қилиш, ўқ-дориларни ташиш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, отиш машқи ҳамда от устида граната улоқтириш каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

От – йигитнинг қаноти. Албатта, тилсиз жониворга қачонки меҳр берилса, бу қанот кенг қулоч ёзади. Мусобақада йигитларнинг от билан қай даражада тиллаша олиши, вазифаларни бажаришда эгар устидаги ва остидагининг бир танага айланиши, яқунда эса муваффақият қозониши малакали ҳакамлар томонидан диққат билан кузатиб борилди. Ҳудудни қоплаган қалин қор, туман ва икки хонали сон кўрсаткичли

«минус»даги ҳаво ҳарорати йигитларнинг ғалабага бўлган интилишини сўндира олмади, аксинча мусобақа завқига завқ, шиддатига шиддат қўшди.

Яқуний натижаларга кўра, Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий чавандозлари фахрли 1-ўринни кўлга киритди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Албатта, бу йигитлар келгусида Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказиладиган «Отлиқ марафон» мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган асосий номзодлар сафидан жой олади.

ЧИМЁН Ч ЎҚҚИСИДА



**Мудофаа
вазирлиги
миқёсида
ўтказилган
армия
ўйинларининг
энг қизғин
баҳсларидан
бири бўлган
«Тоғ жангчиси»
мусобақаси ўз
якунига етди.**



бежиз эмас, албатта. Боиси бу ердаги замон талабларига тўла мос келадиган шарт-шароит ва қулайликлар иштирокчиларнинг ўз маҳоратларини бор бўйи билан кўрсатиши учун имкон беради.

Шундай қилиб, ҳарбий альпинистлардан иборат жамоалар дастлаб сунъий қояда ҳаракатланиш бўйича синовдан ўтказилди. Кейин эса гуруҳ таркибида отиш, тоғ тўсиқлари йўлагидан ўтиш, 15 км масофага югуриш, гуруҳ таркибида 5 км масофага югуриш, тоғ дарёларидан ўтиш ва энг охирида Чимён чўққисини забт этиш шартлари бўйича ўзаро беллашди.

Бир неча кун давом этган жараёнларни кузата туриб, шунга амин бўлдики, мамлакатимиз ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий альпинизм бўйича минтақа ва дунёда қўлга киритаётган ютуқлари, эришаётган муваффақиятлари замирида мана шундай мусобақаларнинг ўрни

Хабарингиз бор, бу каби беллашувларда жамоалар ўз ҳарбий округлари шарафини ҳимоя қилиб, майдонга тушишди ва касбий маҳоратини синовдан ўтказди. Албатта, мусобақа шиддати ҳам шунга яраша бўлди. Ахир ким ҳам ўз ҳарбий округи, ҳарбий қисми ва хизматдошлари сафига фахрли ўрини қатор-қатор совринлар билан қайтишни хоҳламайди дейсиз.

«Тоғ жангчиси» беллашувларини ўтказиш учун энг мақбул жой – «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлари маркази танлангани ҳам



беқиёс экан. Чунки бу фақатгина жамоаларнинг биринчилик учун беллашуви эмас, балки иштирокчилар учун тажриба алмашиш, янги билимларни эгаллаш фурсати ҳамдир. Тоғ сир-синуотини пухта эгаллаган

малакали офицерлар, узоқ йиллик хизмат фаолиятига эга тажрибали сержантлар жамоа аъзоларига ўзига хос мактаб вазифасини ҳам ўтади.

Барча учун қизик бўлган якуний натижа шундай: Тошкент ҳарбий округи жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бошқа йўналишларда бўлгани каби бу йигитлар ҳам келгусида Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказиладиган мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган асосий номзодлар сифатида кўрилади.

"Men g'olib!"



Ушбу йўналиш бўйича ҳам Тошкент ҳарбий округи жамоаси тенгсиз деб топилди. Иккинчи ўрин Марказий ҳарбий округ жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Шарқий ҳарбий округ жамоа аъзолари банд этишди.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери» танлови ҳам якунланди. Унда «Энг илғор взвод командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари», «Энг илғор бригада командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» ҳамда «Энг илғор батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» ғолиблари аниқланди. Танловнинг якуний босқичида офицерлар бир нечта шартлар асосида беллашдилар. Тактик қисқа масалани ечиш ҳамда тактик ва топографик белгиларни тўғри топиш, техник ва жисмоний, отиш, ҳарбий-касбий тайёгарликлар ҳамда тест синовларидан ўтишдек шартлар орқали тажрибалар синовдан ўтказилди. Танловнинг натижасига кўра, «Энг илғор взвод командирининг тар-



Муаллиф suratga olgan

Мудофаа вазирлиги миқёсида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Мен ғолиб!» шиори остидаги мусобақанинг «Содиқ дўст», «Тинчлик жангчиси» ва «Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери» баҳслари ўз ниҳоясига етди.

Мутахассис ва хизмат итларини тайёрлаш марказида бўлиб ўтган «Содиқ дўст» мусобақаси Тошкент ҳарбий округи жамоаси устунлигида якунланди. Мurosасиз ва шиддатли ўтган ушбу йўналиш бешта шартдан иборат бўлди. Шартлардан юқори балл тўплаш учун хизмат итлари билан «тил топишиш»га ҳаракат қилган жамоа аъзолари юқори ўринларни эгаллашга мушарраф бўлди. Иккинчи ўринни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ эркаклар жамоаси эгаллаган бўлса, Марказий ҳарбий округнинг аёллар жамоаси иккинчи ўринга лойиқ топилди. Учинчи ўринни эса Шарқий ҳарбий округ жамоаси йигитлари забт этди, Махсус авария-тиклаш бошқармаси

жамоасининг аёллари учинчи ўринга лойиқ эканини исботлади.

– Ушбу мусобақанинг фаркли жиҳати шундаки, «содиқ дўст» деб айтилаётган итлар билан қай даражада «тил топишган»имизга қараб, натижаларимиз маълум бўлмоқда. Бу ҳолат қизиқарли бўлиш билан бирга, машаққатли ҳамдир. Ҳарбий хизматчининг жисмоний ҳолати яхши бўлиши билан бирга, итининг ҳам ҳолати аъло даражада бўлиши лозим, – дейди кичик сержант Азиза Тўхтамишова. – Бугун мен «Эрма» лақабли итим билан қатнашдим. У жуда эътиборталаб бўлиши билан бир қаторда, ўта меҳрибон. Беш ой давомида «Эрма» билан тайёргарлик кўриш жараёнида

бир-биримизни жуда яхши тушуниб олдик. Кейинги мусобақаларда ҳам қатнашиб, юқори натижаларни забт этишга ҳаракат қиламиз.

«Чирчиқ» полигонидан ўтказилган «Тинчлик жангчиси» мусобақаси ҳам бешта шартдан иборат бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигидан ташқари, маънавияти, маданияти ва интеллектуал салоҳиятини ўз ичига оладиган йўналишларни қамраб олди.

– Биз жамоамиз билан барча шартларни мукамал даражада бажаришга ҳаракат қилдик. Об-ҳавонинг инжиқликларига қарамасдан, ушбу мусобақанинг «Профессионал» йўналишида рекорд натижани қайд этдим, – дейди кичик сержант Дилнавоз Шерқулова. – Унда 10 та тўсиқдан ўтиш, қуролни нотўлиқ қисмларга ажратиш, пичоқни 3 метрдан нишонга санчиш шартлари бўлди. Пичоқ санчишдаги хатоим туфайли жарима балини олдим, аммо аёл ҳарбий хизматчилар ичида 6 дақиқалик рекорд натижани қайд этдим.

биявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» йўналишида:

капитан Юсуф Холжонов 1-ўрин, капитан Азиз Мадаминов 2-ўрин, лейтенант Санъатбек Эримметов 3-ўрин ғолиби деб топилди.

«Энг илғор батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» йўналишида:

1-ўрин майор Элёр Матякубов;
2-ўрин капитан Азимжон Бобоев;
3-ўрин капитан Шоҳрух Тоҳировга насиб этди.

«Энг илғор бригада командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» йўналишида:

1-ўринни майор Сардорбек Садилов;
2-ўринни подполковник Маъруф Олимов;
3-ўринни подполковник Ҳамза Умаров эгаллади.

– Ўтган тўрт кун давомида 7 та шарт бўйича беллашдик. Синовлар ҳолисона ва адолатли бўлиб ўтди. Айниқса, ҳар бир шарт юзасидан якуний баҳони қўйиш учун ўша соҳанинг мутахассислари жалб этилгани танловнинг мurosасиз ва шаффоф ўтишини таъминлади. Барча шартларни аъло даражада топшириб, менга берилган имкониятлардан тўғри фойдаланганим бугун ўз натижасини берди ва фахрли биринчи ўринга лойиқ кўрилди, – дейди майор Сардорбек Садилов. – Бугун менга берилган баҳо келажакда янада ўз устимда тинимсиз ишлаб, касбий маҳоратимни мунтазам ошириб боришимда муҳим аҳамият касб этади.

**Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»**



Armiya o'yinlari



– Tezroq! Tezroq... Bo'lsangchi!

O'g'lon ichida pichirlaydi. Qo'lida AK-74. Qisqa vaqt ichida qurolni sochib-yig'ish mashqini bajarishi lozim. Qo'lidagi "birodari"ga esa ohista muomala qiladi:

– Uyaltirma meni. Bo'laqol... Hap!

O'g'lon shoshadi. Birodarlari shoshiradi:

– Tezroooq, Abdumurod. Qaraaa, yetvolyapti. Ozgina qoldil!..

Bunday atmosferani faqatgina armiya o'yinlarida topishingiz mumkin. Jangovar qurollarni bir lahzalik vaqt mobaynida ham sochib, ham yig'ishni yana kim ham eplay olardi?! Faqatgina bizning o'g'lonlar.

Markaziy harbiy okrug "Forish" tog' poligonida "Men g'olib!" shiori ostida an'anaviy tarzda o'tkazib kelinayotgan armiya o'yinlarining "Dala oshxonasi" hamda "Qurolsoz usta" musobaqalari qizg'in bahs-munozaralarga boy tarzda o'tdi. Joriy yilning 28-noyabridan 3-dekabrigha qadar bo'lib o'tgan ushbu bahslarda beshta harbiy okrug hamda Toifalangan obyektlarni qo'riqlash qo'shinlari qo'mondonligidan kelgan jamoalar ham kuch, ham sabr-bardosh va iroda, oshpazlik mahorati bo'yicha o'zaro bahs olib borishdi. Ishtirokchilar har bir shartni o'z maromida bajarib, g'oliblik uchun astoydil harakat qilishdi.

Har ikki bahs davomida jamoalar oxirgi bosqichgacha bir-biriga kuchlarini boy bermay keldi. Biroq musobaqa o'z nomi bilan musobaqa va unda eng kuchlilargina shohsupaning yuqori pog'onasidan joy oladi. Yakuniy natijalarga ko'ra, "Dala oshxonasi" musobaqasida umumjamoa hisobida

faxrli 1-o'rinni bir yo'la ikki jamoa – Markaziy harbiy okrug hamda Toshkent harbiy okrugi vakillari qo'lga kiritdi. Navbatdagi o'rinlar esa quyidagicha:

2-o'rin. Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug hamda Sharqiy harbiy okrug jamoalari;

3-o'rin. Shimoli-g'arbiy harbiy okrug va Toifalangan obyektlarni qo'riqlash qo'shinlari qo'mondonligi jamoalari.

"Qurolsoz usta" musobaqasida faxrli 1-o'rinni Markaziy harbiy okrug jamoasi qo'lga kiritdi. Keyingi o'rinlar esa quyidagicha:

2-o'rin. Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug hamda Toshkent harbiy okrugi;

3-o'rin. Sharqiy harbiy okrug hamda Shimoli-g'arbiy harbiy okrug jamoalari.

Shuningdek, Markaziy harbiy okrugning "Sazagan" poligonida "Men g'olib!" shiori ostida "Xavfsiz muhit" musobaqasi ham bo'lib o'tdi. Bahslarning har bir bosqichida jamoalar bor kuch va shijoatlarini ishga soldi. Jamoalar musobaqaga kuchli tayyorgarlik olib borishganligi har bir shartda namoyon bo'ldi. Ushbu musobaqada qayd etilgan natijalar bilan tanishib:

1-o'rin. Markaziy harbiy okrug;

2-o'rin. Sharqiy harbiy okrug;

3-o'rin. Toshkent harbiy okrugi hamda Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug jamoalari.

Musobaqada yuqori natijalarni qayd etgan jamoa a'zolari turli nominatsiyalar bo'yicha g'olib deb topildi.

Armiya o'yinlari bahslarining yopilish marosimida g'olib va sovrindorlar kubok, diplom hamda qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi. Boshqa yo'nalishlarda bo'lgani kabi bu yigitlar ham kelgusida Xalqaro armiya o'yinlari doirasida o'tkaziladigan musobaqalarda yurtimiz sharafiga himoya qiladigan asosiy nomzodlar sifatida ko'riladi.

Sherzod EGAMBERDIYEV,
«Vatanparvar»



ФАРОВОН ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос тараққиёт йўлини, яъни инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб белгилаб олди ва бу мақсад сари демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш борасида туб ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Йиллар ўтгани сайин Конституциямизнинг мукамаллиги ва ҳаётийлиги исботланмоқда. Бу эса истиқлолнинг илк йилларида Асосий қонунни яратиш йўлида амалга оширилган улкан ва машаққатли меҳнат самарасидир. Конституция ва мустақиллик йилларида қабул қилинган барча қонунларимиз, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима қисми бандларида кўрсатилганидек, Асосий қонунимиз инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб қабул қилинган.

Конституциямизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва

қонунлар билан ҳимоя қилинади», деб кўрсатилган.

Асосий қонуннинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт», деб белгилаб қўйилган. Мазкур қоида Ўзбекистонни демократик мамлакатлар қаторига кўтаради ҳамда давлатимизда фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги тўғрисидаги қоида халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Шунингдек, Конституциянинг 22-моддасида давлат ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши, 23-моддасида республика ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши кафолатлаб қўйилган.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланганидир.

Конституция ва қонунлар устунлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларига нисбатан устунлик характерига эга. Чунки Конституция бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун асосдир.

Конституциянинг 16-моддасида мустаҳкамланган қоидага биноан, «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас».

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда самарали қўлланилмоқда.

Конституциявий одил судлов замонавий демократик давлатнинг алоҳида талаби, зарурий институти бўлиб, Конституциянинг устунлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда қонунийлик муҳити, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини яратишнинг ишончли гаровидир.

Мамлакатимизда Конституциянинг устунлигини таъминлаш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича

чора-тадбирлар дастури»нинг 7-бандига асосан, 2021 йилнинг 27 апрелида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонуни қабул қилинди. Унинг мақсади Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлиги ва нуфузини оширишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга қаратилгандир.

Мазкур Конституциявий қонунда Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди ҳамда Конституциявий судда иш юритишнинг барча процессуал босқичлари, яъни мурожаатларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ўрганиш, ишни кўриш учун қабул қилиш, суд ишларини юритиш иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суднинг қарорлари, суд мажлисининг баённомаси ва бошқа ҳаракатлар мустаҳкамланди.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг долзарблиги нимада, деган савол туғилиши табиий. Шу ўринда Қонуннинг айрим муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтамыз.

Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди. Булар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Юқорида кўрсатиб ўтилган субъектлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органлардир. Бу эса, қонунда инсон ҳуқуқларини таъминлашга асосий урғу берилганининг исботидир.

Бундан ташқари, агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши туғалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи янада кафолатланишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида барча соҳаларда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоидалар билан узвий боғлиқдир.

Умид ҒИЁСОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг
катта эксперти

SAHIFALARDA SHIMOLI-G'ARBIY HARBIY OKRUG FAOLIYATIDAN LAVHALAR

QO'RG'ON

✓ BUGUNIMIZ QAHRAMONLARI

ВАТАН
ДЕГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Қаҳрамонимиз «Жасорат» медали соҳиби кичик сержант Алибек Бабаев бўлади. Бир қарашдаёқ сизда яхши таассурот қолдирадиган бу инсон билан суҳбатимиз ўзбек ва қорақалпоқ тилида борди. Мен ўз она тилимда, у эса ўз она тилида сўзлади. Хуллас, самимий суҳбат қурдик.



БОЛАЛИКДАГИ ҲАВАС

– Ҳарбий оилада туғилганман. Дадам истеъфодаги подполковник Адилбай Бабаев бўладилар. Оилада уч фарзандмиз. Икки опам бор. Онам менга ҳомиладор бўлган кезлари қозғистонлик камер оркестр ижрочиси Алибек Днишевни кўп тинглаган эканлар. Унга ҳавас қилиб, исмимни «Алибек» қўйишибди.

Болагим ҳарбийлар орасида ўтди. Байрамларда ҳарбий қисмда ўтказиладиган тантаналарга борардик. Ҳарбий қисм фаолияти доим қизик туюларди. Назорат ўтказиш пунктида қўлида қурол тутган аскарнинг менга жилмайиб, ҳарбийча саломлашишидан қувонардим. Бола эканман-да, «Мен қачон аскар бўламан?!» деб дадамни ҳоли-жонига қўймасдим. Дадам эса кулиб, бошимни силарканлар: «Ҳарбий бўлиш осон эмас. Бунинг учун яхши ўқишинг, спорт билан шуғулланишинг керак», дердилар. Шундай қилиб, ўқувчилик даврларимда спортнинг дзюдо, тош кўтариш, каратэ, футбол, теннис, енгил атлетика каби турлари билан шуғулланганман. Мақсадим битта эди: мактабни тамомлаб, отамнинг касбини давом эттириш. Бунинг учун астойдил ҳаракат қилдим ва йиллар ўтиб, орзумга эришдим. Бунинг учун тақдиримдан миннатдорман...

ДАДАМ КАБИ
«ДАДА» БЎЛСАМ ДЕЙМАН

– Болалигимда ҳар куни онам менга қорақалпоқ халқ дostonларидан сўзлаб берарди. «Едигей», «Алпамис», «Шарияр» бу дostonлар менга ёд бўлиб кетган. Отам эса хизматдан бўш вақтларида музейларга олиб бориб, у ерда халқ дostonларига ишланган рангтасвир асарлари билан таништирарди. Шу аснода жировлар куйлаган кўшиқларни биргаликда тинглардик. Ўша пайтлардаёқ қалбимда қаҳрамонларга хос жасорат уйғонган бўлса керак. «Халқ ботирлари ҳақида билиб, аждодларидан фахрланиб улғайган инсон бир кун келиб, албатта, Ватанига содик, садоқатли ўғлон бўлиб улғайиши муқаррар». Отам ҳар доим шундай дердилар. Вақт ўтиб, бу ҳаётини ҳақиқат нечоғли тўғри эканлигини англаб етдим...

Оилада ёлғиз ўғил фарзанд эдим. Оллоҳнинг марҳамати кенг экан, менга уч ўғил ато этди. Хизмат билан бўлиб, ўғилларимга камроқ вақт ажратаман. Шундай бўлса-да, кўнглим хотиржам. Чунки болаларимнинг тарбияси бобо ва бувисининг назоратида.

ЮТУҚЛАР ОРТИДАГИ
ЗАҲМАТ

– Шу кунгача хизматим давомида қандай ютуққа эришган бўлсам, бунда дадамнинг ҳиссаси катта. Чунки уларнинг маслаҳати ва сабоқлари муваффақиятларимга замин бўлган.

Дадам билан кўп суҳбатлашман, панд-насихатларига қулоқ тутаман. «Ёлғон сўзлама, эгрилик қилма. Мард бўл!» бу сўзлар туғилганимдан буён қулоғим остида янграйди. Умуман олганда, ҳаётини тажрибага бой падаримнинг ўғитлари менга доим тўғри йўлни кўрсатган.

«ЖАСОРАТ»ГА
МУНОСИБЛИГИМДАН
ФАХРЛАНДИМ

– Мустақиллик байрамида Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Жўқорғи Кенгес раисидан «Жасорат» медалини олдим. Ўшанда саҳнадаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беролмаيمان. Давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганимдан фахрландим. Ватанимнинг, менга кўз тикиб, дуойи жонимни қилиб ўтирган ота-онам, яқинларимнинг ишончини оқлаганимдан чексиз шодман. Бундан буён ҳам янада куч-ғайрат, фидойилик ва садоқат билан она Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қиламан.

ВАТАН БУ –
МЕН, СИЗ, УЛАР...

– Ватанга ҳар ким турлича таъриф беради. Мен учун Ватан бу – ота-онам, оилам, маҳаллам, шаҳрим... Бу рўйхатни узоқ давом эттиришим мумкин. Умуман олганда, мен учун бу дунёдаги энг бебаҳо неъмат – Ватан! Ҳар биримиз шу Ватаннинг бир заррасимиз. Шунинг учун у азиз ва мўътабар, Буюк қаҳрамонлар, саркардалар,

илм-маърифатнинг буюк даҳола-рига бешик бўлган бу замин. Кўхна Хива, Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистоннинг қадим қалъалари, буларнинг бари узоқ ўтмишдан сўзлайди, тарихни жонлантиради. Демакки, асрлар давомида сайқал топиб келган бу юртнинг ҳар қарич ерини кўзга тўтиё қилиб асраш, ҳимоя қилиш ўғлонларнинг муқаддас бурчи саналади. Зеро, Бердақ шоир айтганидек:

*Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ўзим демай, ғамхўрлик
қил халқ учун.*

«ОРЗУМ –
ФАРЗАНДЛАРИМ
КАМОЛИНИ КЎРИШ»

– Ҳали фарзандларим ёш. Ҳар бирининг орзулари мўл, бирови шифокор бўламан дейди, бирови ҳарбий, яна бири учувчи... Фарзандларим келажаги ҳақида ўйласам, кўнглим ёруғ ҳисларга тўлади. Улар менинг зурриёдим – ҳаётимнинг мазмуни. Энг катта орзум – уларнинг камолини кўриш. Зиммамда ҳали қалби эзгу мақсадларга лиммо-лим қоракўзларга тарбия бериш, уларни тўғри йўлга йўналтириш ва юрт учун керакли инсонлар қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифа бор. Бу борада менга турмуш ўртоғим ва ота-онам ҳам кўмакчи эканлигидан ҳар доим қувонаман...

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати



Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармойишига мувофиқ, «Нукус» умумқўшин полигониди Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ҳарбий йиғин ўтказилди.

Йиғиннинг биринчи кун иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда, кун тартибиди белгиланган кўргазмали машғулотларга жалб этилди. Қудратли ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан танишув ва яшовчанликни таъминлаш шаҳарчасиди машғулотлар, албатта, унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Йиғиннинг иккинчи кун иштирокчилар билан саф тайёргарлиги машғулоти ўтказилди. Унда саф элементлари, сафда юриш-туриш, Саф низомига асосан, қуролсиз ҳаракатланиш қонун-қоидалари бўйича назарий ва амалий кўникмалар берилди.

Шу кун полигондаги Маънавият ва маърифат марказиди ҳарбий округ вакиллари томонидан дунё ва минтақамизда ҳукм сураётган ҳарбий-сиёсий вазият, ҳарбий хизматни ташкил этишнинг қонуний асослари, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимиди олиб борилаётган изчил ислохотларнинг самараси, сафарбарлик асослари ҳамда қўшинларда жанговар тайёргарликни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича маърузалар ўқилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш, улар билан маданий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш асослари тушунтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ёшлари

ўртасиди «Бир ўқитувчига – бир номзод» тамойили асосиди республика олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва тайёрлаш тизимининг самарадорлиги, ушбу тизим туфайли эришилган натижалар етказилди.

Куннинг иккинчи ярмиди жанговар, алоқа, тактик ва тиббий тайёргарликлар бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Унда йиғин иштирокчилари ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, ўқдонларни ўқ-дори билан тўлдириш, қуролни

ўқ отишга тайёрлаш, мўлжалга олиш ҳамда тактик ҳаракатлар билан жанговар жуфтликда белгиланган тўсиқлардан ўтиб, позицияни эгаллаш бўйича ўтказилган машғулотларда қатнашди. Жанг майдониди яраланган сафдошини пана жойга олиб ўтиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассислар томонидан ўтказилган машқлар иштирокчиларда тиббий кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилди.

Арқон тортиш, тош кўтариш, пичоқ улоқтириш бўйича ўтказилган беллашувлар эса иштирокчиларни соғлом рақобат остида мусобақалашига имкон яратди.

Йиғиннинг кейинги кунлари ҳам шундай қизгин ўтди. Унда иштирокчилар ўқотар қуролларни жангга тайёрлаш, нишонларни мўлжалга олиш ва мерганликнинг сир-асрорларини маҳоратли йўриқчилардан ўрганиб, амалий машғулотга киришди. Иштирокчилар ҳудудда техникаларга тех-



ник хизмат кўрсатиш, барча турдаги таъминот масалаларини йўлга қўйиш, жангди руҳий зарба олганларга психологик ёрдам бериш ва руҳий зўриқишларни ечиш, озиқ-овқат таъминоти, ўқ-дори ҳамда бошқа хомашёларни сақлаш, шунингдек, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситалари бўйича ҳам зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишди ва низом қоидаларига кўра, ҳимоя воситаларини кийин бўйича меъёрлар бажарди.

Машғулотлар кечки маҳал ҳам давом этди. Тунда гуруҳларга бўлинган шахсий таркиб навигация мосламалари ва юлдузларга қараб, азимут бўйича ҳаракатланишди. Учта яширин жойга қўйилган мўлжалларни топиш вазифасига киришган гуруҳлар чамаси 4–5 километрли масофани босиб ўтди.

Албатта, бир неча кун давомида жанговар қуроллардан фойдаланиш кўникмасини яхши ўзлаштирган ҳоким ва раҳбарларнинг амалий машқларни бажариш жараёнидаги ўзига ишончи, дадиллиги ва қатъий интизомга тўлиқ риоя этганлиги машғулот раҳбарлари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Нукус ва Урганч
гарнизонларидаги
ҳаво ҳужумидан
мудофаа
бўлинмалари
шахсий таркиби
икки ҳафталик дала
чиқишида иштирок
этиб, соҳа бўйича
касбий малака
ҳамда маҳоратини
оширди.

ЕРДАГИ ВА ҲАВОДАГИ НИШОНЛАР ЯКСОН ҚИЛИНДИ



Қуруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларини авиациянинг интенсив учиш ҳудудларида жанговар вазифаларни бажаришга ҳамда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида ўтказилган ўқув йиғини назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлди. Йиғин доирасида иштирокчилар амалий машғулотларга киришишдан аввал қуруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа тўсиқли йўлагидан ўтди. Шундай қилиб, сунъий тўсиқлардан иборат йўлак ҳарбий хизматчиларнинг ирода ва матонатини синашнинг самарали усули ҳисобланиб, жисмоний имкониятларини намоён этишга хизмат қилди.

Машғулотлар давомида бўлинмалар томонидан қўмондонлик пунктлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа бошқарув пунктлари, шунингдек, асосий кучлардан алоҳида жойлашган зенит бўлинмаларининг ўт очиш позицияларини танлаши, жиҳозлаши, уларни мудофаа этиши ва қўриқлашни ташкил этиши каби масалалар кўриб чиқилди. Шу билан бирга ўзаро ҳамкорликда машғулот учун ажратилган само ва ер сарҳадларидаги ҳудудларни ҳимоялаш бўйича амалий ҳаракатларда иштирок этди.

Бўлинмаларнинг бирдамликда ҳаракат қилишга хизмат қилган дала чиқиши давомида жанговар рух ва ахлоқий-руҳий фазилатларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, йиғин давомида мутахассислар билан ҳаво ҳужумидан мудофаа қурилмалари ҳамда штатдаги ўқотар қуроллардан фойдаланиш, уларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, шахсий ҳимоя воситаларини қўллашдан иборат бўлган жамоавий эстафета мусобақаси ҳам ташкил этилди. Эпчиллик,

шижоат ва тезкорликни талаб этган беллашувда барча жамоаларнинг бирдамликни намоён этиб, юқори натижаларни қўлга киритгани эътирофга сазовор бўлди.

Дала чиқишининг амалий қисмида қуруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари билан яқка ва ҳамкорликда зенит қурилмаларидан позицияларни алмаштирган ҳолда нишонларга қарата ўқ отиш машқларини бажаришди. Амалий машқлар эҳтимолий ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хослиги, ҳудуд ва рельефни инобатга олган ҳолда, ниқобланиш шартларига кўра ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, машғулотлар давомида кичик командирларнинг ностандарт вазиятларда мустақил равишда ўт очиш ва жанговар ишлаш бўйича назарий билим ҳамда амалий кўникмалари оширилди. Машғулотда асосий эътибор кичик командирларнинг бошқарувчанлик қобилиятини юксалтириш, соҳа бўйича зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш ҳамда касбий маҳоратини оширишга қаратилди.

ХҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР

СИНОВИ

**Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг
30 йиллиги муносабати билан Нукус
гарнизони Маънавият ва маърифат
марказида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
қўшинлари қўмондонлиги, Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши ҳамкорлигида
олтита жамоа ўртасида «Заковат»
интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.**

Унда куч тузилмалари ҳарбий хизматчилари ҳамда Ички ишлар вазирлиги «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи, Нукус шаҳридаги Президент мактаби ва 44-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўзаро беллашди.

Мусобақада иштирокчилар янги қабул қилинган қонун, фармон, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юзасидан берилган саволларга тез, аниқ ва лўнда жавоб бериб, ҳуқуқий билимларини намойиш этди. Иштирокчилар Бош қомусимиз – Конституциянинг яратилиш тарихи, унинг жамяят ва юрт тараққиётидаги ўрни ҳақида ҳам батафсил маълумот бериб ўтди.

Кучли рақобат қизғин ва мурасиз баҳсларга сабаб бўлди. Якуни натижаларга қўра, «Заковат» ўйинида 15 та саволнинг 13 тасига тўлиқ жавоб берган «Темурбеклар» жамоаси 13 балл билан мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўринни Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари оператив қўмондонлигининг «Чегарачилар» ва учинчи ўринни Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг «Адолат» жамоалари эгаллади. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.



SAYYOR QABUL

МАНЗИЛЛИ РЕЖА ТУЗИЛДИ

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун». Бу қоида эркин демократик фуқаролик жамиятининг асосий пойдевори ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, хизмат кўрсатиш сифати даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда, халқ билан мулоқот қилишнинг самарали усул ва шакллари жорий қилинмоқда. Зотан, қонун устуворлигини таъминлаш – халқ фаровонлиги учун хизмат қилади. Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида Шимоли-ғарбий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан ўтказилган сайёр қабул фикримиз далилидир.



Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов ва ҳарбий округ бошқарув аппаратининг мансабдор шахслари иштирок этди.

Ошкора ва самимий руҳда ўтган қабул давомида элликака яқин музожаатлар қўриб чиқилди. Мухими, ҳеч бир музожаат этиборсиз қолдирилмади: бир қанча ижтимоий муаммолар жойида ижобий ҳал қилинди, яна бир қанча масалалар атрофлича ўрганиб чиқиш учун мутасаддиларга йўналтирилди.

Шу кунни мурожаатлардан келиб чиққан ҳолда, кўпчилиكنи йиллар давомида қийнаб келган муам-ли масалаларга барҳам бериш, ҳарбий хизматчи-ларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш ҳамда фарзандларини мактабгача таълим ташкилоти ҳамда умумтаълим муассасаларига жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш бўйича манзилли режа тузилиб, тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқларига топширик берилди.

Ustozga ehtirom



Олимни ташқи кўринишидан қандай фарқлаш мумкин? Костюм-шим, бўйинбоғ, кўзойнак, зиёлинамо шамойил... Шу шамойилни билиш қийинда. Костюмнинг энг зўрини, ҳатто капалакнусха бўйинбоғни топиш осон. Бугун кўзойнак таққанлардан ҳам кўпи йўқ.

Ҳарбий журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабаларимдан бири «Шамойил нима, устоз?» деди. Аудитория деворидаги суратга кўзим тушди. Суратга қараб тушунтирдим. «Қадим Лондон кўчасида дарахт куртак ёймоқда». Сурат шамойили

шундан сўзлаяпти. Демак, бу кўриниши, шакли. Кўз шуни кўрди, мияга ахборот берди. Мазмун, маъно изласангиз, яъни ботинига назар солсангиз, дейлик, «Қадим Лондонда янги орзулар куртак ёймоқда» дейишингиз мумкин. Қалб кўзи билан суратга боқдингиз. Зоҳирдаги тасвир чекинди. Энди сурат эмас, сийрат кўринди. Луғатда ҳам шундай: «Шамойил» арабча сўздан олинган бўлиб, фазилатлар, яхши хислатлар, афзалликлар маъносини билдиради. Бу жиҳати кам қўлланилиши ёзилган. Кўриниш, сурат, тузилиш, шакл-шамойилнинг навбатдаги маънолари. Буларни кўп қўллаймиз. Хуллас, билганимча жавоб бердим.

Ўйганиб қолдим. Зиёлининг сурати ва сийрати. Қайсига қараб, шамойилини билиш мумкин? Жавобига ўзим билмайдиган савол тўсиқ бўлди. Бир зиёли ҳақида чала-чулпа билганларим асосида фикрласам, қандай бўларкан? Маънавий ҳаққим борми? Акбар Нурматов билан тўрт йилча бирга ишлаб келяпмиз. Ҳар ҳолда шу билганларим асосида нима-лардир қораламоқ истадим.

«Ўзбекистонда ҳарбий журналистиканинг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари» мавзусидаги диссертациям Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар универси-

тети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгаш илмий семинари муҳокамасига қўйилди. Тақризчилардан бири сифатида филология фанлари номзоди, доцент, Босма ОАВ ва ноширлик иши факультети декани Акбар Нурматов белгиланди. Иш Акбар ака билан бамаслаҳат тайёрлангани, жараёндаги янгиликларни баъзан ўзаро муҳокама қилганимизни ўйлаб, хурсанд бўлдим. Кўнгилдагидек! Устозга диссертация нусхасини тақдим этдим. Нафсим қурғур шивирлагандек бўлди: «Вақти бўлармикан ўқишга. Деканлик ташвишининг ўзи ўн туяга юк бўлса!»

Акбар ака билан мулоқотларимизда кўпинча раҳбар ва бўйсунувчидан кўра, яхши дўст, ҳам-фикр ака, илмда йўл кўрсатувчи устоз мақоми

олдинда бўлган. Шу сабаб ҳазилимизу чинимиз самимиятга уйғун. Кўнгил сиғиб, рост гапимизни, ҳам муболағамизни ҳам баралла айтамыз. «Диссертацияни ўқияпсизми ўзи?» деган иддаони ўзим ҳам, кўзим ҳам айтаверган. Ниҳоят илмий семинар муҳокамасида Акбар ака тақризни ўқиб эшиттирди. Семинардан сўнг ўзаро гаплашганимизда билдирган асосий таклиф, тавсияларига такрор урғу бериб, бу ишнинг фундаментал қийматини оширишини айтди. Тавсиянинг биринчиси: «ишнинг кириш қисмидаги мавзунинг ўрганилганлик даражасида баъзи фундаментал тадқиқотлар, масалан Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар», Аҳмад Заки Валидийнинг «Бугунги турк эли ва унинг янги тарихи», айрим жадидшунос олимларнинг асарлари ҳам келтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди». Зиё Саиднинг асарини биламан. Лекин ҳарбий журналистикага алоқадор нимадир бормиди? Кутубхонадан китобни топдим. Мамлакатимизда чоп этилган ҳарбий нашрлар ҳақидаги маълумот Зиё Саиднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар (1870–1927)» асаридан топилди. Унда «Қизил юлдуз» газетаси ҳақида маълумот келтирилиб, нашрнинг Туркистон

фронти штабининг ҳарбий бўлими томонидан чиқарилгани айтилади. Диссертациянинг нафақат ўрганилганлик даражаси, балки тарихий аспектларига оид фаслига ҳам маълумот киритдим. Тавсия мени миллий матбуотимиз тарихи билан боғлиқ илмга янада яқинлаштирди.

Тавсиянинг иккинчиси: «Салим Дониёров «Медиаконвергенция шароитида газеталар таҳририятлари ривожланишининг ўзига хослиги (Ўзбекистон мисолида. 2010 ва кейинги йиллар)» мавзусида докторлик (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди. Бу каби ишларга ҳам диссертантнинг фикрлари ёки муносабати бериб кетилишини тавсия қиламан». Олимнинг диссертациясини кўриб чиқдим. Буни қарангки, ишимнинг асосий объекти бўлган «Ватанпарвар» газетасидаги конвергенция жараёни таҳлил қилинган экан. Бу тавсия ҳам узукка кўз қўйгандек тушди. Акбар акага раҳматни сийқаси чиққан гап билан айтдим: «Девор бўлмаса кўчани кўрасиз». Шу воқеа сабаб қайси диссертантнинг иши муҳокамасида Акбар Нурматов таклиф ёки тавсия берса, «тадқиқотингизга сайқал бу» дейман.

Тафаккури кенг олим, журналистика соҳаси илмининг билимдони шамойилига мен билган битта чизги шу бўлса керак.

Декан – устоз – ота. Университетдаги тарбия жараёнида қайси бирининг тоши оғир бўлиши керак? Акбар ака шу саволни ўзига берармикан?

Акбар Нурматов мен дарс ўтаётган аудиторияга кирганида ҳеч нарсага тушунмаганман. Талабаларни таълим ва тарбия масаласида тергаш учун кирдими? Важдатидан шундай кўринганди-ку. Ҳарбий соҳада дийдам қотгани учун ажабландим. Бундай маданиятли тергаш билан нимага эришиш мумкин? Қайроқи гаплари ҳам эсда қолган: «вой Поти, Поти деб юрасан», «қурғурлар-эй». Назаримда Акбар ака деканлик «сиёсатидан» тезда устоз, ота мақомига ўтди. Уришяптими, тергаяптими, билолмай қолдим. Бу илиқликни талаба «қурғурлар» ҳам тез англайди. Меҳрнинг кучи-да бу. Бошқача йўл тутиб, нимага эришиш мумкин? Шу боис факультетда декан ва талаба ўртасини ажратиб турадиган бўшлиқ йўқ. Кўприк бор: декан – устоз – ота. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Босма ОАВ ва ноширлик иши факультетида таҳсил олган, олаётган, мамлакат медиа оламида ўз ўрнини топаётган шогирдлар, хусусан, ҳарбий журналист бўлиш ниятидаги талабалар мана шу илиқликдан куч олади, назаримда.

Ҳасан Басрий шундай дейди: «Ҳалимлик илмнинг вазири, мулоимлик отаси, камтарлик эса либосидир». Акбар Нурматовнинг шамойилида ҳам шуларни кўраман. Бу иккинчи чизги.

Дарслик, қўлланма, мақола ва тезислари, умуман, илмда эришган ютуқлари ҳақида яқин дўстлари, таниқли олимларимиз, амалиётчиларимиз ёзишар. Ёзганларимдан эса барибир кўнглим тўлмади. Кўплаб шогирдларни етиштирган, мамлакатимизда журналистика илми ривожига беқиёс ҳисса қўшаётган фидойи олим, филология фанлари номзоди, доцент Акбар Нурматов ҳақида билганимча қораладим. Англаганим, сурат ва сийратда битта инсон яшайди.

Олимлар юлдузга ўхшаркан. Кўриниб турса, одамлар уларнинг ёрдамида йўлини топиб олишаркан. Йўлини излаётганларга ҳали кўп керак бўласиз, устоз Акбар Нурматов. Олтиш ёшингиз муборак бўлсин!

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
Ҳарбий ва спорт журналистикаси
кафедраси мудири, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори

“Vatan bilan ulg’ayar shon-shavkatimiz” tanloviga

Иккинчи жаҳон урушида
фашист босқинчилари
одамларни таҳқирлашда,
уларни мажруҳ қилиш
ва қириб ташлашда,
вайронкорликда
инсоният тарихида
бўлган барча
қонхўрлардан,
газандастардан ўтиб кетди.
Бу машъум урушда собиқ
Иттифоқдан 11 миллионга
яқин ҳарбий, жанг кечган
жойларда тинч аҳолидан
18 миллион киши ҳалок
бўлган. Жаҳон бўйича
24,5 миллион аскар
ва зобит, жанг кечган
жойларда тинч аҳолидан
47 миллион киши ҳаётдан
кўз юмган.

Камина уруш даҳшатларидан азият чеккан Россиянинг Новозыбков шаҳри ва унинг атрофидаги Брянск ўрмонида ҳарбий хизматни ўтаганда фашистларнинг халқлар бошига солган кулфатлар асоратининг бир қисмини кўрганман. Мактаб ўқувчилари хонадон эшикларига урушда оила битта одамани йўқотган бўлса, битта юлдузча, агар иккита одамани йўқотган бўлса, иккита юлдузча ўрнатилган... Шаҳар кўчаларини кезганда, юлдузча ўрнатилмаган бирорта эшикни кўрмаганман. Айрим хонадонлар эшигида еттитагача юлдузча бор. Брянск ўрмонининг ҳар икки юз-беш юз метрида уруш қурбонларига ўрнатилган ёдгорликлар қўйилган. Улардаги лавҳаларни ўқиганда жигарингиз хун бўлади. Бу лавҳалар кейинчалик «Зиёрат» шеъримга кўчди.

*Брянск ўрмони зиёратгоҳ –
Даҳшатли урушнинг тирик гувоҳи.
Унинг дардларидан сўзлар,
Бағридаги ёдгорлик ёзувлари:
«Бу ерда фашистлар Брянск партизанларини
қийнаб ўлдиришган»,
«Бу ерда фашистлар шахримизнинг
уч минг меҳнаткашини ваҳшийларча отишган»,
«Бу ерда фашистлар кишилогимизнинг
уч юз аёл ва болаларини отишган»,
«Бу ерда фашистлар...» деб бошланувчи
ёдгорликларнинг сон-саногини йўқ.*

*Мен ҳар бир ёдгорлик қошида
сукут сақлаётман эгиб бош.
Энди менинг иймоним комил,
Брянск ўрмони ўрмон бўлгандан буён
Йиртқич кўрмаган фашистлардан йиртқичроқ...*

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг 1938 йилда ёзган «Нафрат» шеърини ўқиганимда, унинг истеъдоди ва зақосидан ҳайратга тушаман. Чунки одамзот бошига офат-кулфатлар солган Иккинчи жаҳон уруши ҳали бошланмаганди. Лекин шоир бу шеърида Гитлер ва фашизмнинг жирканчли башарасини фош қилиб, инсониятни огоҳликка қорлашга уринди.

*Фашизм бу – эл бошига битган бир боло,
Фашизм бу – талончилик, очлик ҳам вабо.*

Ўша даҳшатли кунлар бошланганда ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг даъваткор шеъри баралла янгради.

*Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:
Қўлингга қурол ол!*

Жанг кечган ҳудудларда ота-онасиз қолган болаларни бағрикенг ўзбек халқи тарбиясига олди: Шомахмудовлар оиласи 14 нафар, Самадовлар оиласи 12 нафар болани... Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри халқларни оғир кунларда янада бағрикенг бўлишга, аскарларимизни эса фашист газанда-

рига қақшатқич зарба беришга даъват қилди.

*Онанг хўрландими,
Отанг ўлдими,
Сен етим қолдингми,
Қайгурма кўзим,
Кўзим усти,
Миннатинг бошимга дурра...
Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим!*

Кейинчалик Раҳмат Файзий шу мавзуда «Ҳазрати инсон» асарини ёзди ва шу асар асосида «Сен етим эмассан» бадиий фильми яратилди.

Жанг суронлари тинмаган даврда ёзувчиларимизнинг ўткир қаламлари ҳам бир лаҳза тинмади. Жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган Ойбекнинг «Навоий», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Абдулла Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» каби дурдона асарлари уруш даврида ёзилди.

Кўплаб ёзувчиларимиз кўлда қурол ва қалам билан фашистларга қарши аёвсиз жангларга кирди. Истеъдодли шоир Султон Жўра Белоруссия учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Маҳоратли шоир ва таржимон Зоҳиджон Обидов жангда оғир яраланди, бир оёғини Европада қолдириб юртимизга қайтди ва ижодини фаол давом эттирди. Кейинчалик дунёга «Игна билан ёзилган роман» муаллифи сифатида танилган Вали Ғафуров оғир жангда икки кўзидан айрилди. Жангларда иродаси тобланган ёзувчимиз баракали ижод қилди ва машҳур «Вафодор» романини бекаму кўст ниҳоясига етказди.

Таниқли ёзувчи ва журналист Иброҳим Раҳимнинг севимли шоиримиз Эркин Воҳидов билан Москвадаги суҳбати ибратлидир. Поездда Берлинга кетаётган Эркин ака Иброҳим Раҳимдан сўрайди.

– Билмайсизми, поезд Москвадан Берлингача қанча вақтда боради?

– Эркинжон, поезд қанча вақтда боришини билмайман, лекин биз Москвадан Берлингача тўрт йилда борганмиз.

Ҳа, улар Москвадан Берлингача уруш оловлари ичида, қон кечиби, қанча сафдошларини тупроққа топшириб, тўрт йилда боришган.

Ҳаёт синовларидан шараф билан ўтган адибимиз Шухрат

1940 йилда ҳарбий хизматга жалб этилган ва шинелли йилларнинг барча азобларини кўрди. Унинг «Шинелли йиллар» романи ижодида муҳим ўрин тутди десам, буни муҳтарам адибимизнинг дурдона шеър, драма ва романларига бўлган ҳурматимнинг бир намунаси сифатида қабул қилинг.

Катта ҳаёт ва ижод тажрибасига эга ёзувчимиз Назир Сафаров уруш даврида ҳарбий журналист сифатида фаолият кўрсатди ва ўзбек аскарлари жасоратига бағишланган «Ўқ ўтмас ботир», «Водиллик қаҳрамон», «Қаҳрамоннинг туғилиши» каби очерклари ни матбуотда эълон қилди. Аслида, журналистлик – машаққатли касб. Уруш даврида ҳарбий журналист бўлиш эса қаҳрамонликка тенг. Ана шундай машаққатли вазифада таниқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий, шоир Назармат каби журналистларимиз фаолият кўрсатишди.

Европада жанглар сурони тугагани билан Иккинчи жаҳон уруши Узоқ Шарқда давом этди. Бу жангларда ёш ижодкор Одил Ёқубов ҳам қатнашди. У урушдан ғалаба билан қайтгач, жанг суронлари остида бошлаган «Изларман» қиссасини тугатди. Қисса ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди ва ўзбек адабиётида янги истеъдод бўйи чўзаётганидан дарак берди.

Уруш кўрганлардан кейинги авлодга мансуб адибларимиз ҳам бу мавзуда сара асарлар ёзишди. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони, Абдулла Ориповнинг «Сўнгги уруш» шеъри, Ўткир Хошимовнинг «Ўрушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси... ана шундай асарлар қаторидан ўрин эгаллади. Ёш авлодга мансуб адибларимиз ҳам юртимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиши учун уруш даҳшатларига бағишланган мавзуда ижод қилмоқда.

Камина ҳам ҳарбий хизмат даврида уруш асоратларининг бир қисмини кўрганим учун бу мавзудаги асарларни тез-тез таржима қилиб турман. Болқор адиби Қайсин Қулиевнинг «Қиш эди...» романи ва «Чегемда Лайлога сўйлаганларим» достони, авар шоири Расул Ҳамза-

товнинг «Менинг Доғистоним» бадиаси ва «Оналарни асранг» достони, рус шоири Роберт Рождественскийнинг «Шаҳидлар ёди» достони ва «Севги садоси» каби шеърлари, қалмоқ шоири Давид Қуғултиновнинг «Урушдан қайтмаган шаҳид ботирлар...» шеъри таржималари шундай ижодий изланишларимнинг бир қисми.

Шуккурки, юртимизда тинчлик, лекин жаҳонда ҳали уруш олови сўнмаган, ҳали ўқлар товуши тинган эмас. Шоир-ёзувчиларимиз қаердадир ўқдан йиқилган аскар инграшини, қаердадир етим қолган гўдак йиғисини эшитганлари учун қўлга қалам олмоқдалар, олам аҳлини аҳил-иноқ яшашга даъват этмоқда. Зеро, бу шарафли вазифа бизга Ҳазрат Алишер Навоий бобомиздан меросдир:

*Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиг иш.*

Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига солган ўчмас асоратларни ҳозирги ва келгуси авлодлар билиши, тўлақонли ҳис қилиши, осойишта кунларнинг қадрига етиши учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида бунёд этилган «Ғалаба боғи» Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида очилди. Боғдаги «Мангу жасорат», «Матонат мадҳияси» монументлари, ёдгорликлар, «Шон-шараф» давлат музейидаги тарихий ҳужжатлар халқимизнинг уруш давридаги қаҳрамонликларидан ҳикоя қилади. Уларни ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод жон қўлоғи билан тинглаши керак. Ҳар биримиз тарихнинг аччиқ сабоқларини ёдда тутайлик. Юртимизда, минтақамизда, жаҳонда тинч-фаровон ҳаётни сақлаш ва мустақамлаш учун огоҳ яшайлик. Ҳар бир тинч-осуда ўтаётган кунимизнинг қадрига етайлик, фидокорона меҳнатимиз билан Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратиш йўлидаги бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ҳисса қўшайлик.

Асрор МЎМИН,
шоир ва таржимон,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

ВАТАНИНИ



АСРАМОҚЛИК УЛУҒ ИШДИР

Қушлар эркин парвоз қиладиган кенг осмонларини, балиқлар яйраб сузувчи чексиз уммонларини севганлари ва асраганлари каби биз, инсонлар ҳам ўз таваллуд топган масканимизни Ватан деб атаб, уни жондан севиб, кўз-қорачиғидек асрашга интиламиз. Шу ҳақда ўйлаганда, буюк халқимизнинг Тўмарис, Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, соҳибқирон Амир Темур сингари мағрур ва шерюрак фарзандлари шу муқаддас юрт учун, унинг тинчлигини асраш учун ўз жонини тикиб, Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, эрксеварлик каби фазилатларини бутун дунёга намоён этгани ёдга тушади.

Турон халқларининг аҳамонийлар босқинига қарши курашига раҳбарлик қилган жасур саркарда, массагетлар маликаси Тўмариснинг жасорати даврлар ўтса-да, ҳамон халқимизни улуғ мақсадлар сари ундайди. Ҳукмдор Кир II милoddан аввалги 530 йилда Туронга бостириб кирганида, босқинчилар қўшини билан массагетлар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Ўғлининг ҳалокатидан эсанкираб қолмаган Тўмарис ўз халқининг манфаатини кўзлаб, Кир II дан массагетлар юртидан чиқиб кетишини сўрайди. Бироқ форслар шоҳи бу таклифни рад этгач, икки ўртада аёвсиз жанг узоқ вақт давом этади. Ниҳоят, Кирнинг кесилган боши инсон қони билан тўлғазилган мешга солинади...

Ватан ҳимояси, уни асраш учун жонни тикиш деганда, буюк аллома Нажмиддин Кубро жасоратини эсламасликнинг иложи йўқ. Чингизхон қўшини Мовароуннахрдаги йирик шаҳарларни бирин-кетин беаёв босиб олаётган қалтис бир даврда бу улуғ зот ўз Ватанини, халқини нақадар қаттиқ севишини оламга намоиш этди. 1221 йилда Чингизхон лашкарбошилари билан Хулагу ўзининг тумонат лашкарлари билан Урганч қалъасини қамал қилади. Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг машҳурлигини аввалдан эшитганлиги сабабли Хоразмга ҳужум қилиш олдида у кишига чопар юбориб, шаҳарни тарк этишини сўраганида, шайх унга жавобан: «Мен етмиш йил умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучуғини бирга тотганман. Энди улар бошига бало-қазолар ёғилаётган пайтда қочсам, мурувватдан бўлмайди», деб жавоб қайтаради. Бу фидойи халқ қаҳрамонининг ёвга нисбатан нафрати шу қадар кучли эдики, у душман яловбардор (байроқдор)и қўлидан яловини тортиб олиб, байроқ дастасидаги найза билан мўғул босқинчиларига ташланади ва бир неча душманни ер тишлашиб, тенгсиз жангда ўзи ҳам ҳалок бўлади. Туғидан айрилган қўшин таҳликага тушиб қолади. Нажмиддин Кубро эса ғаним байроғини маҳкам чангаллаганча жон беради. Ҳатто ҳалок бўлганидан кейин ҳам Кубронинг қўлларидан туғни тортиб ололмаган дарғазаб босқинчилар унинг бармоқларини қилич билан чопиб, байроқларини зўрға тортиб олишган.

Оташнафас адиб Мақсуд Шайхзода Иккинчи жаҳон уруши йилларида битилган «Жалолиддин Мангуберди» драмасида Ватан эрки, мустақиллиги учун фидойиларча кураш олиб борган бу жасур саркарда қиёфасини бадиий гавдалантирди. Зеро, Жалолиддин Мангуберди соҳибқирон Амир Темурга ҳам ибрат бўлган буюк сиймо эди.

Мақсуд Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди» драмасида шундай ёзган эди:

**Улуғвор ниятларга қор қилмас ажал,
Ким юртидан ёвни қувса,
мендирман ўшал!**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қурулди Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан соҳа ходимла-

рига йўллаган байрам табригида: «Кейинги йилларда «Халқ ва армия – бир тану бир жондир» деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилоқда. Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқда. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ҳамда фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик – тинчлик ва осойишталикни асраш ҳамда ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда», деди. Дарҳақиқат, халқимиз Ватан озодлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида жон берган мард ҳамда фидойи фарзандларининг жасорати ва матонатини ҳеч қачон унутмайди.

Истиқлолимизнинг ўтган ўттиз бир йилдан ортиқ даврида қалбида элу юрт меҳри билан жўш урган инсонлар эришилган улкан ютуқлардан қувонган бўлсалар, мустақиллигимизни, эркин ва ҳур яшашимизни кўра олмайдиган айрим ёвуз ниятли кимсалар халқимизни бу йўлдан оғдириш, улар кўнглига қўрқув ва ҳавотир солиш мақсадида не-не хунрезликларни содир этмади.

1999 йилнинг 16 февраль воқеалари... 2000 йилнинг июль-август ойларида Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида бўлган жанговар ҳаракатлар... 2005 йил... Минг шукурки, бу воқеаларнинг барчасида халқимизнинг бирдамлиги, ўз Ватанини жондан севиши, сиёсий онги етуқлиги, ҳарбийларимиз ва ҳудудни муҳофаза қилиш органларининг қатъияти ҳамда жасорати туфайли ёвуз кучлар ўз қора ниятларига ета олмади. Аммо кураш қурбонсиз бўлмаганидек, бу террористик ҳаракатлар оқибатида Ватанимизнинг бир қанча қасамёдга содиқ мард ва жасур ўғлонлари қаҳрамонларча ҳалок бўлишди.

Мустақиллик йилларида юртимиз озодлиги, халқимизнинг бугунги эркин ва обод ҳаёти-ни таъминлаш йўлида ўзининг азиз жонини қурбон қилган мард ҳамда жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотирасига бағишлаб, 2018 йилда «Мард ўғлонлар номи барҳаёт» номи хотира китоби чоп этилди. Бу китобда истиқлол йилларида террористик гуруҳларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юздан ортиқ Ватан ўғлонининг жасорати акс этган.

Атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг ушбу сатрлари ўз Ватани тинчлиги, халқининг фаровонлиги йўлида жонини фидо этган барча қаҳрамон йигитлар тилидан янграётгандек туюлади:

**Халққа айтинг,
мен асло ўлганим йўқ,
ёв қўлига таслим ҳам
бўлганим йўқ.
Мен халқимнинг юрагида
яшайман,
Эрк деганнинг тилагида
яшайман.**

Баъзан хизмат тақозоси билан, баъзан Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмаси билан жаннатмакон диёримизни кўп ва ҳўб кезиш бахтига муяссар бўлганман. Яқинда «Маънавият фестивали» доирасида бир гуруҳ ижодкор ва санъаткорлар билан Навоий вилояти марказидан салкам 400 километр олисда, чўл қўйнида жойлашган Учқудуқ туманидаги ҳарбий қисмда бўлдик. Ҳарбий қисм ҳовлисидаги саранжом-саришталик, дов-дарахтлар ва гулларнинг орасталиги, майдонда ҳазрат Алишер Навоий бобомиз катта бюстининг ўрнатилгани бизни ғоят қувонтирди.

Бу масканда маънавий-маърифий ишлар қанчалик юксак даражада йўлга қўйилгани, кутубхона, «Ватанпарварлик бурчаги»нинг яратилгани таҳсинга сазовор. Айниқса, 3 000 дан ортиқ бадиий китобга эга бўлган шинамгина кутубхона, 10 мингдан ортиқ китобнинг электрон варианты жамланган ахборот-ресурс маркази ҳарбий йигитлар учун ҳақиқий зиё масканига айланган.

Баъзан тушларимга она қишлоғим киради. Унинг шудринг тушган майсазорларида ялангоёқ чопиб юрган бўламан. Тонгда юрагим орзиқиб уйғонаман. Киши киндик қони томган қишлоғини, маҳалласини соғинмай бўладими?! Ахир улар Ватан ичра мўъжаз Ватан-ку! Мўъжаз Ватанимдан олган руҳий қувватим мени улкан Ватанимизга хизмат қилишга руҳлантиради. Бахтимизга она Ватанимиз янада обод бўлсин, гуллаб-яшнасин! Унга хизмат қилишдек улуғ бахтдан бизни асло айирмасин.

**Истеъфодаги полковник
Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси**

Ehtirom

GOSPITAL JAMOASINING

QADRLI AYASI

85 yosh! Mo'tabar bir yosh. Yana bu yoshda g'oyat mas'uliyatli kasbda ishlasang, har doim odamlar orasida bo'lsang! Taqdirning siylovi shunchalar bo'lar.

...Poytaxt dushanba tongini oppoq qor bilan qarshiladi. O'tgan yillardagidek darrov erib ketmadi, sovuqroq, yillarki ko'zimiz ko'nikkan fasldan farqli. Haftaning ilk ish kuni biz uchun Mudofaa vazirligi Markaziy harbiy klinik gospitalidagi tadbir bilan boshlandi. Topshiriq haqida aytayotgan bosh muharrir o'rinbosari: "Shifokor opalardan biri 85 yoshga to'lgan emish..." deb gap boshlagan zahoti ko'z oldimga "yarq" etib oftalmolog Oynisa Sharopova keldi.

Ha, ha, adashmabman, o'sha qadrdon shifokor opa, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiysi Oynisa Sharopova ulug' yoshni qarshilabdi.

QUTLOVLAR!

Kamtarin shifokorni qutlug' yosh bilan Mudofaa vazirligi tibbiy ta'minot boshqarmasi boshlig'i tibbiy xizmat polkovnigi Bahodir Abdulaxadov qutladi. Aziz o'quvchilar, go'zal tilaklarni bu yerda bir-bir takrorlash fikridan yiroqman. Shuning uchun tabriklar orasida o'ziga xos bo'lganlarini keltirib o'tishni lozim topdik.

Markaziy harbiy klinik gospital boshlig'i tibbiy xizmat polkovnigi Xudoyqul Rahimqulov:

– Biz hech qachon opaning ovozlari balandlatganlarini eshitmaganmiz yoki asabiy holatda ko'rmadik. Hamisha sokin, mayin...

Yoshlar uchun ibrat bo'lishga arziqli yana bir holat: doktorning bir necha o'n yillik faoliyatida birorta ham kasallik varaqasi uchramaydi!

Shunday bir vaziyat bo'ldiki, gospitalda birgina oftalmolog qoldi. Har kuni 50–60 odam ko'rikdan o'tishi kerak. Oson emas, yosh mutaxassislar ham bunday og'irlikdagi ish uchun qo'shimcha kuch talab qilgan bo'lar edi. Bir necha kunlar mobaynida,

hech qanday shikoyat va noroziliklarsiz bu jarayonni oxiriga yetkazgan fidoyi shifokor ham Oynisa Sharopova edi.

Mudofaa vazirligi bosh jarrohi tibbiy xizmat polkovnigi Ulug'bek Rasulov:

– Buyuk aktrisa Lutfixonim Sarimsoqova tilga olinganida, u kishining ismlari yoniga, albatta, "aya" degan ehtiromli kalima ishlatiladi. Ular ko'p millatli xalqimizning kattadan kichigiga ham Lutfixonim aya edilar. Oynisa Sharopova esa bizning, gospitalimizning ana shunday hurmatli ayasidir!

ANONIM SO'ROV

Oynisa Sharopova haqida "Vatanparvar" sahifalarida bir necha bor maqolalar e'lon qilingan. Davlat mukofotlari bilan taqdirlanganida, qutlug' bayramlar arafasida, minnatdor insonlardan maktublar kelganida... Shifokor opa bilan bir necha marta suhbatlashgan ekanman: muxbir sifatida, ba'zan shifo istab, maslahat istab. Shunday suhbatlardan ayrimlari yodimda qolgan.

– Buxoro tibbiyot instituti endigina ish boshlagan kezlari edi. Biz, bir guruh



Bahrom ABDURAHIMOV

mutaxassislar ko'mak uchun jalb etildik. Ma'lum vaqtlar oralig'ida bizning faoliyatimizni xolis baholash uchun talabalar o'rtasida anonim so'rovlar o'tkazib turilardi. Shunday so'rovlardan biri – hech qachon pora olmaydigan o'qituvchi! Talabalar hammasi bir ovozdan oftalmologiya va lor mutaxassislarini ko'rsatishgan.

O'sha. Hech qachon pora olmagan, olmaydigan oftalmolog Oynisa Sharopova edi!

OLIS YOSHLIKDA

...Turmush o'rtoq'im ikkimiz ham talaba edik. Yashash sharoitimiz ham o'ziga yarasha. Homiladorman. Vafli yegim keldi. Darsdan chiqsam, shundoq institut ro'parasida sotilyapti. Pulim yetmaydi. Ammo ko'ngil uzolmayman. Beriroqda turib qarab o'tirganman.

Opaning shu gaplarini hech unutmadi. Homiladorlikdagi yemak istagini hech bir so'z bilan ta'riflab, yetkazib berolmayman.

Har safar shu mavzuda suhbatlashsak yoki yozmoqchi bo'lsam, nozik-nihol talaba kelinchakning uzoqdan vafllarga termilib turgani ko'z o'ngimda gavdalanadi.

Azizam Oynisa Xojayevna, harbiy klinik gospitalning qadrlil Ayasi, Siz bugungi izzat-ikrom, e'tiroflarga munosib halollik, poklik yo'li bilan erishdingiz. Hamon odamlarga keraksiz!

Siz kasallarni qabul qilgan xonalarni men ham eslayman. Necha yillardan beri mavjud stol-stullar, g'arib jihozlar... Bugun Markaziy harbiy klinik gospitalning qiyofasi tamoman o'zgarib, zamonaviylik kasb etgan. Quvonchingizni his qilaman. O'zingizdagi vatansevarlik, fidoyilikni shogirdlaringizga ham yuqtira olishingizga ishonaman. Jamoa rahbari ta'kidlaganidek, Siz kabi insonlar borligi uchun Yer o'z mehvaridan chiqib ketmaydi! Qutlug' yoshingiz muborak bo'lsin!

Inobat IBROHIMOVA,
«Vatanparvar»

Bellashuv

MUSOBAQA ZARAFSHONDA,
G'ALABA "QALQON" DA

O'zbekiston mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Navoiy viloyati kengashining Zarafshon shahri o'quv sport-texnika klubida (*O'STK*) maktab o'quvchilari va uyushmagan yoshlar, Yoshlar ishlari agentligi tomonidan haydovchilik guvohnomasiga o'qiyotgan o'quvchilar, sport seksiyasi sportchilari o'rtasida musobaqa o'tkazildi.



Tadbir ishtirokchilari "O'q otish", "Zakovat", "Yo'l harakati qoidalarini bo'yicha test" kabi shartlar bo'yicha shaxsiy va jamoaviy birinchi uchun bellashishdi. Yakuniy natijalarga ko'ra, jamoaviy bahslarda uchinchi o'rinni "Elparvarlar" (*1-umumta'lim maktabi*) va "Jasorat" (*12-umumta'lim maktabi*), 2-o'rinni "Vatanparvarlar" (*Zarafshon shahri O'STK sportchilari*) va mutlaq g'oliblikni "Qalqon" (*11-umumta'lim maktabi*) jamoasi qo'lga kiritdi.

Musobaqa g'olib va sovrindorlari Zarafshon shahri O'STK hamda hamkor tashkilotlar tomonidan diplom va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.

Xurshid AHMEDOV,
"Vatanparvar" tashkilotining o'q otish bo'yicha katta murabbiysi

Xalqaro nogironlar kuni

XUSH KAYFIYAT
ULASHDI

Inson borki, mehrga, e'tiborga ehtiyoj sezadi, kimningdir ko'nglini ko'tarish, holidan xabar olish esa asl insoniylikdan. Zero, inson qadri baland bo'lgan yurtida hamisha farovonlik hukm suradi.



Xalqaro nogironlar kuni munosabati bilan Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Toshkent shahri boshqarmasi bilan hamkorlikda "Mehr-muruvvat – inson ziynati" shiori ostida Olmazor tumani Yoshlar markazida Toshkent shahrida joylashgan ixtisoslashtirilgan maktab-internat va 30-Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari ishtirokida tadbir o'tkazildi.

Tadbirda 500 dan ortiq imkoniyati cheklangan o'g'il-qizlar ishtirok etib, ular tomonidan tayyorlangan turli ko'rinishdagi buyumlar yarmarkasi ham tashkil etildi.

Harbiy orkestr jamoasi hamda taniqli xonandalar tomonidan ijro etilgan sho'x kuy-qo'shiqlar, o'tliq qo'shinlar va harbiy texnikalar namoyishi, harbiy xizmatchilarning ko'rgazmali chiqishlari tarbiyalanuvchilarning ko'nglini ko'tarib, ularga xush kayfiyat ulashdi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,
Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

Professional boks

“BEK BULLY” — “BEZORILAR BEZORISI”



“Golden Boy” promouterlik kompaniyasi boks bo'yicha bir necha yo'nalishda “2022-yilgi mavsumning eng yaxshilari”ni e'lon qildi. E'tirof etilganlar safidan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili Bektemir Meliqo'ziyev ham o'rin oldi.

2022-yil ham o'z poyoniga yetmoqda. Ayrim sport turlari bo'yicha mavsum yakunlangan bo'lsa, ba'zilari bo'yicha kurash hamon davom etyapti. Yil poyoniga yetgani sayin turli sport uyushmasi-yu tashkilotlar, federatsiya yoki kompaniyalar mavsum sarhisobini qilib, ular asosida kelgusi ishlarini rejalashtirish va o'zlarining muayyan tayanch dasturlarini ishlab chiqishga kirishdi. Mavsum sarhisobi paytida aksariyat sport turlari bo'yicha “yilning eng yaxshilari”ni aniqlash ham odatiy an'anaga aylangan. Har yil oxiri yoki boshida federatsiya yoxud kompaniyalar tomonidan e'lon qilinadigan bu xususdagi xabarlarni esa dunyo sport muxlislari doim sabrsizlik, o'zgacha qiziqish va ishtiyoq bilan kutishgan. O'tgan hafta oxirida “Golden Boy” promouterlik kompaniyasi ortda qolayotgan mavsum bo'yicha sport muxlislarning ana shu ehtiyojlarini qondirdi – bir nechta nominatsiyalar bo'yicha 2022-yilgi boks mavsumining “eng yaxshi”larini e'lon qildi. E'tiborlisi, ular safidan dunyo miqyosida “Bek Bully”, ya'ni “Bezori Bek” deb nom qozongan professional bokschimiz ham o'rin oldi. Professional boksning super o'rta (-76,2 kg) vazn toifasida ringga chiquvchi Bektemir Meliqo'ziyev (10-1, 8 KO) “Golden Boy” promouterlik kompaniyasi tomonidan “Yil nokauti” nominatsiyasi bo'yicha g'olib, deb topildi.

Bektemir Meliqo'ziyev boks bo'yicha xalqaro toifadagi sport ustasi. O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan sportchi. Ikki karra qit'a chempioni. Yozgi Olimpiya va Osiyo o'yinlari, jahon chempionati va ko'plab xalqaro turnirlar g'olib va sovrindori. 2017-yilgi mavsum yakunida yurtimizda “Yilning eng yaxshi sportchisi” deb topilgan. Professional boks bo'yicha “WBA (Butunjahon boks assotsiatsiyasi) Continental Americas” kamari sohibi. Professional boksdagi (10-1, 8 KO) 11 ta jang o'tkazib, uning 10 tasida g'alabaga erishgan, 8 tasida raqibini “texnik nokaut”ga uchratgan. “Endilikda ikki frontda jang qilayotgan”, ya'ni ham havaskor, ham professional boksdagi o'z faoliyatini davom ettirayotgan armiyamiz charm qo'lqop ustasi Bektemir Meliqo'ziyev ushbu e'tirofga joriy yilning bahar va yozida professional boks bo'yicha AQShda erishgan ikkita ajoyib muvaffaqiyati, aniqrog'i raqiblarini muddatidan oldin mag'lub etgani, bokscha ifodalaganda, “texnik nokaut”ga uchratgani tufayli sazovor bo'ldi. Xususan, 20-mart kuni AQShning Los-Anjeles shahrida bo'lib o'tgan professional boks kechasida Bektemir perulik David Zegarrani ikkinchi raunddayoq “texnik nokaut”ga uchratdi. Oradan ko'p fursat o'tmay, u professional boksdagi o'zining 10-jangini o'tkazdi. AQShning Texas

shtatida bo'lib o'tgan mazkur jangda Meliqo'ziyevga bosniyalik Sladan Yanyanin (32-12, 24 KO) raqiblik qildi. O'n raundga mo'ljallangan jangning birinchisidayoq “Bek Bully” o'z amalini ko'rsatdi – tana qismiga berilgan kuchli zarbasi bilan raqibini “nokdaun” holatiga tushirdi... referi jangni to'xtatmadi. Ikkinchi raund ham to'la Meliqo'ziyevning ustunligi ostida kechdi va u raqibini passiv himoyalashga majbur qildi. Bektemirning uchinchi raunddagi ketma-ket kuchli zarbalaridan keyin esa referi jangni to'xtatishga majbur bo'ldi – “texnik nokaut” qayd etdi. Shu tariqa Meliqo'ziyev professional boksdagi 10-g'alabasiga 8-nokaut bilan erishdi.

Aslida, havaskor bokschimiz professional ringdagi o'zining “ilk jangidayoq professional bokschini nokaut orqali mag'lub etishga muvaffaq bo'lgan”i bois xalqaro maydonda “Bezori” (“Bully”) laqabini olgandi. Ha, ushbu “bezori”lik hamon davom etmoqda – endilikda Bektemir Meliqo'ziyev “Golden Boy” promouterlik kompaniyasining 2022-yilgi “Yil nokauti” nominatsiyasi bo'yicha g'olib, oddiy muxlislar tili bilan ifodalaganda: “Bezori bo'yicha yil bezorisi!” yoxud “Bezori bezorisi!” “Bektemir doimo yorqin jang ko'rsatishga harakat qiladi, 2023-yili u o'zining chempionlik jangini muvaffaqiyatli o'tkazishiga ishonamiz”, deyiladi promouterlik kompaniyasi xabarida. Biz ham kelgusida kompaniya ishonchi ijobat bo'lishini xohlaymiz va Bektemirni qo'llab-quvvatlaymiz: “Barakalla, “Bek Bully”! Bo'sh kelma, biz doim sen bilan!”

SHOHSUPA

(xabarlar)



OG'IR ATLETIKA



Kolumbiyaning Bogota shahrida 93 davlatning 537 nafar sportchilari ishtirokida og'ir atletika bo'yicha jahon chempionati bahslari boshlandi va u tobora qizg'in pallaga ko'tarilmoqda. “Parij – 2024” yozgi Olimpiya o'yinlari yo'lida katta reyting ochkolari taqdim etiladigan musobaqada tarkibidan Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham o'rin olgan O'zbekiston terma jamoasining 10 nafar (7 nafar erkak va 3 nafar ayol) atleti qatnashmoqda. Dastlab terma jamoa tarkibiga 11 nafar sportchi jalb etilgan edi. Biroq MVSM vakili Sarvarbek Zafarjonov (-89 kg) jarohatidan to'liq forig' bo'lmagani bois Turkiyaning Antalya shahridagi yig'indan so'ng Toshkentga qaytdi. Dunyo birinchiligi 17-dekabr qadar davom etadi.

ESHKAK ESHISH



Tailandning Pattayya shahrida akademik eshkak eshish bo'yicha yoshlar va kattalar o'rtasida Osiyo chempionati o'tkazildi. Yurtimiz sportchilari qit'a birinchiligining bitta oltin, 6 ta kumush, 3 ta bronza, jami 10 ta medalga sazovor bo'lishdi. Ushbu muvaffaqiyatga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari ham o'zlarining munosib ulushini qo'shishdi. Mazkur qit'a birinchiligi eshkak eshuvchilarimiz uchun kelgusi yili Xitoyda o'tadigan Osiyo o'yinlari hamda “Parij – 2024” yozgi Olimpiya o'yinlari oldidan muhim sinov va o'ziga xos tayyorgarlik vazifasini o'tadi.

DZYUDO




“Katta dubulg'a” turkumiga kiruvchi dzyudo bo'yicha joriy yilgi yirik xalqaro turnirlarning oxirigisi Yaponiya poytaxtida o'tkazildi. Tarkibidan MVSM vakillari ham o'rin olgan O'zbekiston terma jamoasi Tokio shahriga bordi, lekin musobaqada qatnashmadi. Tokioda ko'plab terma jamoalar ishtirokida xalqaro o'quv-mashg'ulot yig'ini ham o'tkazilmoqda. O'zbekiston terma jamoasi 16-dekabr qadar davom etadigan mazkur yig'inda qatnashyapti. Ushbu tayyorgarlik 20–22-dekabr kunlari Isroilda bo'lib o'tadigan nufuzi jihatdan jahon chempionatidan keyingi o'rinda turuvchi “Masters” musobaqasiga qaratilgan.

OT SPORTI



Polshaning Leshno shahrida ot sportining konkur yo'nalishi bo'yicha o'tgan xalqaro turnirda Yevropaning 10 dan ortiq davlatidan mahoratli chavandozlar qatnashdi. 130 santimetr balandlikdan sakrash bellashuvlarida hamyurtimiz Bekzod Qurbonov “Xonim” laqabli tulpori bilan 3-o'rinni egalladi. Alisher Erkinov 110 santimetr to'siqlardan sakrash bahslarida g'oliblikka erishdi. Moskva shahrida o'tkazilgan “Maxima Masters – 2022” turnirining faxriylar o'rtasidagi konkur ustalari bahsida esa hamyurtimiz G'ayrat Nazarov eng yuqori natija qayd etib, oltin medalga sazovor bo'ldi.

TOSH KO'TARISH



Rossiiyaning Yekaterinburg shahrida kuch va jangovar sport o'yinlarining tosh ko'tarish yo'nalishi bo'yicha o'tkazilgan XVI “Oltin yo'lbars” xalqaro turnirida dunyoning 15 ga yaqin davlatidan 200 nafardan ziyod mahoratli sportchilar qatnashdi. Hamyurtimiz Anton Starostin avvaliga 55 kg.lilar, so'ng 57,5 kg.lilar toifasida tosh ko'tarish bo'yicha 777 kg va 888 kg og'irlikni o'ziga bo'sundirgan holda chempionlikka erishdi. “Oltin yo'lbars” xalqaro turniri hakamlar hay'ati hamyurtimiz ko'rsatgan natijalarni Osiyo va jahon rekordlari sifatida e'tirof etishdi.

Мировые бренды



ТРАНСНАЦИОНАЛЬНАЯ КОМПАНИЯ

«БАЭ СИСТЕМЗ»

Одна из самых экономически развитых стран мира – Великобритания имеет развитую военную промышленность, способную удовлетворить текущие потребности национальных Вооруженных сил практически во всех видах вооружений и военной техники (ВВТ). Военная промышленность страны представлена как частными, так и государственными компаниями. К числу крупных корпораций и финансово-промышленных групп относятся «БАЭ системз», «Роллс-Ройс», ГКН, «Чемринг групп» и др.

Транснациональная корпорация (ТНК) «БАЭ системз» по номенклатуре производимой продукции является наиболее значимым и крупным военно-промышленным объединением. Корпорация имеет разветвленную сеть дочерних компаний за рубежом, в том числе в США, Швеции, Саудовской Аравии, Израиле, Омане, Австралии и др. Всего у нее в более чем 40 странах есть более 180 офисов, представительств, дочерних компаний и заводов. Наибольшее их количество находится в самой Великобритании (61), США (106) и Австралии (12). Общая численность занятых в военном и гражданском секторах ТНК «БАЭ системз» около 82,5 тыс. человек, 34,6 тыс. из которых работают в Великобритании, 29,5 тыс. – в США, до 6,2 тыс. – в Саудовской Аравии, 3,1 тыс. – в Австралии, более 1,1 тыс. – в Швеции. В других странах она суммарно составляет около 8 тыс. человек.

Продукция военного назначения

(ПВН) имеет весомую долю в общем объеме продаж корпорации. К другим важным сферам деятельности ТНК относятся оказание услуг в области информационной безопасности и защиты персональных данных, а также производство радиоэлектронного оборудования в гражданском секторе. В составе продукции военной промышленности лидирующее место занимает авиационная и морская техника, за ней следуют радиоэлектронное оборудование и наземные вооружения.

Организационная структура корпорации «БАЭ системз» формировалась в течение 22 лет. Холдинг с таким названием был создан в 1999 году путем слияния компаний «Бритиш аэропейс» (гражданская и военная авиационная техника) и «Маркони электроник системз» (радиоэлектронная продукция). Позже в состав корпорации вошли такие компании, как «Бритиш эйркрафт» – производитель сверхзвукового пассажирского лайнера «Конкорд», «Ярроу шипбилдингс» – производитель военных кораблей для ВМС страны, «Виккерс шипбилдинг энд инжиниринг» – производитель подводных лодок для королевского флота. В дальнейшем «БАЭ системз» приобрела таких гигантов военной промышленности, как «Юнайтед дифенс» (боевые бронированные машины, полевая и корабельная артиллерия, пусковые установки) и «Армор холдинг» (ББМ, экипировка для силовых структур и средства самообороны). Купив в 2004 году компанию «Роял орднанс», «БАЭ системз» фактически монополизировала в Великобритании производство боеприпасов для артиллерии и стрелкового оружия.

Корпорация ведет активную деятельность по производственному и научно-техническому сотрудничеству с крупными компаниями по всему миру. Среди них итальянская транснаци-

ональная корпорация «Леонардо» (бывшая «Финмеканика»), индийская фирма «Махиндра» и американская «Сигнал инновейшнл групп». Это позволило «БАЭ системз» не только получить доступ к передовым зарубежным технологиям, но и существенно укрепить свои позиции на рынках других стран.

В результате проведенных мероприятий структурно ТНК «БАЭ системз» стала представлять собой многоуровневую холдинговую компанию, входящие в нее учреждения объединены в дочерние холдинговые фирмы или являются отдельными дочерними компаниями прямого подчинения. Всего в ТНК объединены 156 компаний. Наибольшая их часть (108 компаний) входит в состав военного сектора. Все военно-промышленные компании ТНК «БАЭ системз» по принадлежности являются частными. По месту регистрации они делятся на национальные и зарубежные.

«БАЭ системз» имеет долевое участие в 17 военно-промышленных компаниях за рубежом. В Швеции находятся четыре компании, в Германии – три, во Франции и Турции – по две, а в США, Индии, Саудовской Аравии, Нидерландах и Финляндии – по одной. Долевое участие ТНК в них от 20 до 50 процентов.

Корпорация имеет предприятия во всех отраслях военной промышленности Великобритании, кроме ракетно-космической. Вместе с тем, ряд ее заводов входят в состав франко-британско-итальянской компании МБДА (37,5 проц. акций), производящей продукцию именно этой отрасли. В собственности компаний ТНК «БАЭ системз» (100 проц. капитала или контрольный пакет акций) находятся предприятия военной про-

мышленности Великобритании. Из них наибольшее количество относится к судостроительной и радиоэлектронной отраслям.

На основных сборочных предприятиях ТНК «БАЭ системз», находящихся в разных городах страны, налажен выпуск таких ПВН, как тактические ракеты класса «воздух-воздух» типа ASRAAM AIM-132, противотанковые управляемые ракеты MBT LAW (NLAW), зенитные управляемые ракеты малой дальности «Рапира» и «Си Вульф», тактические ракеты класса «воздух-поверхность» типа «Сторм Шэдоу», тактически истребители «Тайфун», танки «Челленджер-2» и «Виккерс» Mk3, боевые бронированные машины MLV «Пантер» и «Пирания-2», 155-мм самоходные артиллерийские установки M109A1, 155-мм гаубицы типа M777 (UFH), 105-мм гаубицы-пушки L-118/119, атомные многоцелевые подводные лодки типа «Эстьют» и т.д.

Таким образом, в результате ряда слияний и поглощений, происшедших на протяжении последних 25 лет, «БАЭ системз», имея сложную организационную структуру, стала крупнейшей частной корпорацией с дочерними компаниями и отделениями по всему миру. Доминирующими отраслями военной промышленности ТНК на территории Великобритании являются авиационная, бронетанковая, артиллерийско-стрелковая и судостроительная. На их предприятиях выпускаются истребители-бомбардировщики, штурмовики, ББМ и бронированная инженерная техника, орудия полевой артиллерии и крупнокалиберные пулеметы, корабли и суда практически любого назначения (от атомных подводных лодок и авианосцев до сторожевых кораблей и катеров).



O'zbekiston Qurolli Kuchlarining 31 yilligiga

HURLIK FIDOYILARI

(voqeyi qissa)

Vatan tinchligi, ozodligi va hurligi jon tikib,
qon to'kib asraladi. Ona Vatanimizga qo'l cho'zgan,
zaminimizni toptamoqchi bo'lgan bosqinchilarga shafqat yo'q. Ushbu qissa yurtimizga shum niyatda
qadam bosgan dushmanlarga qarshi mardona turgan, sharaflı yo'lda jon fido etgan mardlar haqida.

BOSQINCHILAR

Tog'lar... Zamindan osmon qadar qad rostlagan bu mahobat tabiat asragan sinoat go'shasidir. Uning bag'ridagi o'ziga xos dov-daraxtlar, sharqiroq soyli daralar, shifobaxsh buloqlar, sirli g'orlar, hayvonot-u nabototlar insonni bir umr o'ziga maftun etib, chorlab kelgan. Bu ulug'vor tog'lar xuddi ona zaminni turli balolardan asrovchi qo'rg'onga o'xshaydi, go'yo.

Qo'l yetmas cho'qqiga in qurgan lochin tog'lar uzra sokin parvoz qiladi. Shu tariqa o'tkir ko'zlari ila o'lja izlaydi, o'z hududini muhofaza qiladi. Mana, u doira qurib, aylana boshladi, nedandir hadikda. Bu degani pastda nimadir bor.

1999-yil noyabr oyi boshlari. Dara oralab ketayotgan bir to'da kimsalar ko'zga tashlanadi. Tojikiston hududi orqali O'zbekiston sarhadiga qadam qo'ygan bu kimsalar anchayin bezovta. Har birining qo'lida qurol, orqasida zalvorli yuk xalta borligini hisobga olganda, niyati xolis emasligi, qaysi bir terrorchi guruhga tegishli ekani aniq.

– Tez-tez yurlaring, bu yerlarning har qadami xavfli. Ibod, orqada qolyapsan?!

– Yukim og'irlik qilyapti, mana... hozir... – guruh boshlig'i yordamchisi Saidning zaharxanda tanbehi yigitning qadamini tezlatdi.

– Birodarlar, g'orga yetib olishimizga oz qoldi, o'sha yerda tunaymiz, – qo'lidagi xaritaga qarab, yo'l boshlashda davom etdi Said. – Uzog'i bilan ikki soatda qorong'i tushadi, shoshilishimiz kerak.

O'n to'rt kishidan iborat turli millatga mansub to'da a'zolarining og'ir qadam tashlashidan uzoq yo'l bosgani sezilib turibdi. Atrofga olazarak nazar tashlab ketayotgan terrorchilarning sovuq nigohi muhim topshiriqqa chog'langanidan dalolat. Afg'onistondagi maxsus lagerda tayyorlangan bu jangarilar har qanday vahshiylikka qodir. Ayni fursatda bosqinchilar g'orga tezroq yetib borishni, nafas rostlashni istaydi.

Manzilga oz qoldi chog'i, yo'l boshchi dara chetidagi tog' tomon ketgan so'qmoq yoniga kelib to'xtadi. Soch-soqoli o'sgan tund qiyofalar birin-ketin uning atrofiga yig'ildi.

– Mana bu so'qmoq g'orga olib boradi, amir! – koreys millatiga mansub guruh boshlig'ini vaziyatdan ogoh etdi Said. – Qiyalikdan uch yuz metr chaması yuqoriga ko'tarilgandan keyin g'or joylashgan.

– Yaxshi! – doimo qovog'i soliq turadigan, ismini Abdulloh deb o'zgartirgan amir buyruq berdi: – Avval ikki kishi borib, g'orning xavfsizligiga ishonch hosil qilsin. Keyin boshqalar chiqadi.

– Usmon, Narzulloh, tez harakat qillaring! – amirning buyrug'ini bajarishga kirishdi Said. – G'or ichi va atrofıni ko'zdan kechirib, vaziyatga qarab xabar berasanlar.

– Xo'p bo'ladi!

Ikki jangari so'qmoq bo'ylab yuqoriga intildi. Ko'p o'tmay, ularning ratsiya orqali bergan xabariga asosan, boshqalar ham g'orga yetib olishga shoshildi.

G'orning kirish joyi kengroq bo'lib, kichikroq ayvonni eslatadi. Davomi esa torayib ketgan. Gulxandan qolgan kul qoldiqlari, uning atrofıdagi tosh o'rindiqlar va jamg'arib qo'yilgan quruq shoxlarga qaraganda, bu yerni manzil qiladiganlar bor.

– G'orda chegarachilar bo'lganmi deyman, – gulxan qoldiqlariga sinchkov termilib, fikr bildirdi Normat ismli miqti jangari, – ammo kul juda eski, yaqin-orada bu yerda hech kim bo'lmagani aniq.

– Kallang joyidami? – uni jerkib berdi Said. – Chegarachilar nima qiladi bu yerda, ovchilar gohida kelib tursa kerak. Shu fikrlashib bo'lsa...

– To'g'ri, – Normatga qarab, miyig'ida kuldi gruzın millatiga mansub jangari. – O'zbekistonlik chegarachilar bormi o'zi? Yurtingga bermalol kirib keldik-ku!

– Tortishuvni to'xtat, ahmoqlar! – badqovoq amirning ovozi bir-biriga qarab o'qrayib turgan to'da yigitlarining unini o'chirdi. – Senlar chegarachilar yo'q deb, haddingdan oshma. Ular kutilmaganda oldingdan chiqishi mumkin. Unutma, bu tog'larda hushyor o'rmonchilar, ovchilar bor! Katta amir topshiriqni bajarishimiz uchun bekorga noyabr oyini tanlamadi. Tog'larga erta qor yog'adi, erta sovuq tushadi. Oyog'imiz tagida o'ralashadiganlar kam bo'lishini hisobga oldi u. Mana, sendek chiniqqan jangchilar ham sovuqda ko'karib turibsanlar.

– Amir, shuning uchun gulxan yoqsak bo'larmidi? – so'radi Said.

– Yoqlaring, bu sovuqda tong otqizishning o'zi bo'ladimi?! Davrani kengroq olinglar, hamma bir joyda o'tirsın.

To'da yigitlari shuni kutib turgandek harakatga tushib ketdi. Hamma o'ziga joy hozirlashga kirishdi.

– O'tin yetmaydi, qorong'i tushmay, atrofıdan yig'ib kelish kerak, – fikr bildirdi jangarılardan biri.

– Mayli, uch-to'rt kishi o'tin yig'ib kelsin, – amirdan sado chiqmagach, o'ng qo'li sifatida rozilik berdi Said.

– Sen aytgan dachalarga qachon yetib boramiz? – amirga bu sharoit yoqmayotgani ko'rinib turardi. – Tog'larga qor tushmay, ishni bitirishimiz kerak.

– Yo'limiz o'ng kelib, tez harakat qilsak, ikki kunda o'sha yerda bo'lamiz, – unga ishonch bilan javob qaytardi Said.

Zum o'tmay, sarg'ish bo'lib botayotgan quyosh tog'lar ortiga berkindi. Atrofıni qorong'ilik qopladi, sovuq zaxmi kuchaydi. Ko'k toqida asta-sekin bodroqdek yulduzlar ko'rına boshladi. Ular orasida erinibgina suzayotgan oy shu'lasi hurpayib turgan tog'larga nim yorug'lik ulashdi. "Ertaga havo yaxshi bo'ladi", osmonni kuzatib ertalik ishning ko'lamini o'zicha belgiladi amir.

Gulxan atrofıga joylashgan jangarilar safar xaltasidan yemak olib, ovqatlanishga tutindi. Atrofıni turli yemak va tamaki hidi qopladi. Charchog'i chekingan zahil basharalar asta ochila boshladi.

– Bu qiyinchiliklar senlarga savob bo'lib yog'iladi, – qo'l ostidagılarning ruhiyatini ko'tarishga chog'landi to'da boshi. – Ilkimizdagi topshiriqni yaxshi bajarib olsak, ham savob, ham davlatga ko'milamiz.

Amir suhbatni sen davom ettir degandek, Saidga qaradi.

– Yuqorıdagi katta amirlarning ulug' niyatidan xabaringiz bor. Ya'ni O'zbekistonda xalifalik davlatini o'rnatish, – jangarilar ko'p bor eshitgan gaplarni dona-dona qilib tushuntira ketdi Said. – Bizning bu arzimas harakatimiz ularga tog'dek tayanch bo'ladi, inshaalloh. Avval ham aytilganidek, bu yo'lda hamma narsaga tayyor turishimiz shart. Topshiriq hamma narsadan, hatto hayotimizdan muhimligini bilasiz. Topshiriq davomida kimdir seni sezib qolsa, u yoshmi, qarimi, ayol yoki bolami shafqat yo'q. Kimgadir shafqat qilib, qo'lga tushsang, teringga somon tiqiladi. Shuning uchun tirik qo'lga tushishni birotang xayolingga keltirma. O'sha ondayoq shahidlikni bajo keltirasan. Agar vazifani bajarish chog'ida kimdir dorulbaqoga rihlat qilsa, topshiriq ado etilganidan keyin unga ajratiladigan ulush ortig'i bilan yaqınlariga yetkaziladi.

– Kayfiyatni ko'taradigan gaplardan gapirsang-chi, – Saidga tanbeh bergandek tomoq qirdi Abdulloh amir va o'zi davom ettirdi. – Ortimizda O'zbekistonning yangi egalari turibdi. Ular davlatni egallashga shay. Esingizda bo'lsin, yangi xalifalik davlatida sizning maqomingiz, mansab-martabangiz o'zingiz kutgandan ham ziyoda bo'ladi...

Jangarilar amirning ertaknamo so'zlarini eshitib, orzularga g'arq bo'lib o'tirar, gulxanga termilgan ko'yi kelajagini o'zicha talqin qilar, jilmayib qo'yardi...

(Davomi bor).

Zulfiya YUNUSOVA,
«Vatanparvar»

Yong'in xavfsizligi

ILMIY-AMALIY
ANJUMAN

O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasida "Yong'in xavfsizligi oyli" doirasida "Iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha obyektlari va aholi turarjoylarida isitish tizimi hamda yonilg'i mahsulotlaridan foydalanishda xavfsizlikni ta'minlash: muammo va yechimlar" mavzusida respublika yosh olimlar ilmiy-amaliy anjumani o'tkazildi.

Anjumanda O'zbekiston Respublikasi Mudofaa, Oliy va o'rta maxsus ta'lim, Energetika, Uy-joy va kommunal xizmat ko'rsatish, Favqulodda vaziyatlar, Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash vazirliklari, Yoshlar ishlari agentligi, Respublika yosh olimlar kengashi faollari, X. Sulaymonova nomidagi sud ekspertiza markazi xodimlari, Sanoat xavfsizligi davlat qo'mitasi, Toshkent shahar Yangi hayot tumani favqulodda vaziyatlar bo'limi mas'ullari va "Hududgazta'minot" AJ vakillari, Yong'in xavfsizligi va favqulodda vaziyatlar muammolari ilmiy-tadqiqot instituti, Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti, nodavlat tashkilotlar, Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasining professor-o'qituvchilari, harbiy xizmatchilar, kursantlar ishtirok etdi.

Anjumanni akademiya boshlig'i general-polkovnik Qobul Berdiyev ochib, mamlakatimizning barcha hududlaridagi obyektlarda va aholi yashash uylarida yong'in xavfsizligi talablarining to'la

ta'minlanishi soha xodimlarining asosiy vazifalaridan biri ekanligini aytib o'tdi. Shuningdek, statistik ma'lumotlar tahliliga ko'ra, mamlakatimizda iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha obyektlari hamda uy-joy fondida yong'in xavfsizligini ta'minlash borasida amalga oshirilayotgan profilaktik tadbirlarga qaramasdan, 2022-yilning 9 oyi davomida 7 353 ta yong'in ro'y bergan bo'lsa, ularning 72 foizi aholi turarjoylarida sodir bo'layotgani hamda aksariyati tabiiy gazga mo'ljallangan hamda elektr isitish jihozlaridan noto'g'ri foydalanish oqibatida yuz berayotganini alohida ta'kidladi.

Anjumanda so'zga chiqqanlar tomonidan is gazidan zaharlanish asosan ko'p qavatli uylar xonadonlari va yakka tartibdagi uylardagi isitish pechlari va dudburonlariga, shamollatish kanallariga o'z vaqtida texnik xizmat ko'rsatilmasligi natijasida nosoz holga kelganligi oqibatida yuz berayotgani, isitish mavsumida shamollatish kanallarining havo tortish

qobiliyati yo'qolganligi sababli yashash xonasi yoki oshxonada me'yorga muvofiq havo almashinuvining yo'qligi ham zaharlanishga olib kelayotgani, yong'in oqibatlarini fuqarolar tasavvuri va ko'z oldilariga keltirishlari, tegishli xulosa chiqarishlari uchun maxsus videolavhalar, turli ko'rgazmali vositalar namoyish etilayotgani va yong'inni o'chirishning zamonaviy usullari, foydalanish uchun qulay moslamalar, maxsus avtomobillar xususida ham atroflicha ma'lumotlar berildi.

Anjuman yakunida bugungi kunning dolzarb masalalari yuzasidan bildirilgan fikr-mulohazalar va tavsiyalar asosida profilaktik tadbirlarni yanada kuchaytirish va aholini bu boradagi bilim va amaliy ko'nikmalarini oshirish zarurligi to'g'risida kelishib olindi.

Mayor Farhodjon XOJAYEV,
Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi katta o'qituvchisi

Ogohlik

EHTIYOT BO'LING:
IS GAZI!

Qishning yog'ingarchilik va sovuq kunlari boshlanishi bilan harorat keskin pasayib boradi. Tabiiyki, yashab turgan xonadonlarimiz va xizmat xonalarini isitish uchun turli choralar ko'ra boshlaymiz. Elektr isitish asboblari, tabiiy gaz tarmoqlari yoki isitishning boshqa turli yo'llaridan foydalanamiz.

Is gazi xonadonlarda, tashkilotlarda foydalaniladigan tabiiy gazning to'liq yonmasligi, ko'mir va organik moddalarning chala yonishidan hosil bo'ladi. U rangsiz, hidsiz va ta'msiz gazdir. Is gazidan zaharlanish darajasi gazning miqdoriga, kishilarning zaharlanish joyida qancha vaqt qolib ketganiga va boshqa ko'rsatkichlarga bog'liq. Is gazining organizmga ta'siri natijasida qonda keskin o'zgarish kuzatiladi, uning tarkibidagi gemoglobin bilan reaksiyaga kirishib, karboksigemoglobin moddasini hosil qilishi natijasida to'qimalarga kislorodning yetib

kelishi va qondagi zararli moddalarning ajralib chiqish jarayoni buziladi. Bu esa organizmda kislorod tanqisligini keltirib chiqaradi. Zararli moddalarning xususiyatlarini bilish bugungi kunda xavfsizlikni ta'minlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi.

Zaharlanish uning havodagi ta'sir muddatiga bog'liq bo'lib, ular yengil, o'rta va og'ir darajaga ega. Zaharlanish ro'y berganda boshda qattiq og'riq, qusish, hushdan ketish kuzatiladi hamda nafas olish sekinlashadi. Ba'zan o'lim holatiga olib keladi.

Birinchi yordam ko'rsatish uchun, avvalo, zaharlangan kishini zudlik bilan toza havoga olib chiqish zarur. Jabrlangan insonning nafas olishi to'xtab qolganda unga sun'iy nafas oldirish lozim bo'ladi.

Tabiiy va is gazi bilan zaharlanish bilan bog'liq favqulodda vaziyatlar quyidagi holatlarda sodir bo'lishi mumkin:

- tabiiy gazning to'liq yonmaganidan hosil bo'ladigan is gazining salbiy ta'siri;
- isitish tizimiga tabiiy gazni ulashda me'yoriy talablarga rioya etmaslik;

– foydalanishda texnika xavfsizligi qoidalariga amal qilmaslik;

– isitish uchun mo'ljallangan pechkalar hamda mo'rilarning soz holatda emasligi, yaxshi tozalanmaganligi va boshqalardir.

Xonada tabiiy gaz yig'ilib qolganida:

- oyna va derazalarni ochib, shamollatish;
- elektr jihozlarini yoqmaslik, yoqiq bo'lsa, o'chirmaslik;
- gaz jo'mraklarini berkitish;
- berkitishning iloji bo'lmasa yoki yorilgan, singan va teshilgan joylar aniqlansa, gaz ta'minoti avariya xizmatiga xabar berish zarur.

Tabiiy va is gazidan zaharlanish yuz bersa, zudlik bilan zaharlangan kishiga birinchi tibbiy yordam ko'rsatilib, 103, 104, 1050 raqamlariga qo'ng'iroq qilishni yodda tuting.

Barchangizni gazdan zaharlanish va chaqnash bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda yuzaga kelish omillarini bartaraf etish tadbirlarida ogohlik va faollikka chaqiramiz.

Mudofaa vazirligi Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bosh boshqarmasi

Mashg'ulot

YONG'IN O'CHIRGICHLARDAN TO'G'RI
FOYDALANING

Mudofaa vazirligiga qarashli Toshkent shahridagi harbiy qism madaniyat markazida "Yong'in o'chirgichlardan foydalanishni bilasizmi?" mavzusida ko'rgazmali mashg'ulot o'tkazildi.

Mashg'ulot avvalida O'zbekiston Respublikasining 2009-yil 30-sentabrda "Yong'in xavfsizligi to'g'risida"gi qonunining mazmun-mohiyati, xususan, uning 11-moddasida qayd etilgan fuqarolarning yong'in xavfsizligi sohasidagi huquq va majburiyatlari haqida to'xtalib o'tildi. Shuningdek, Mudofaa vazirligi harbiy qismlarida foydalaniladigan yong'in

o'chirgich turlari, ularni ishlatish va saqlash tartibi to'g'risida batafsil ma'lumot berildi.

Ta'kidlash joizki, Mudofaa vazirligi harbiy qism va muassasalarida yong'in xavfsizligini ta'minlash, yong'in sodir bo'lganda shaxsiy tarkibga birlamchi yong'inni o'chirish vositalaridan foydalanishni o'rgatish maqsadida har haftaning chorshanba kunlari "Favqulodda vaziyatlarning oldini

olish va yong'inlar profilaktikasi kuni" etib belgilangan.

Tadbir yakunida yong'in xavfsizligiga oid profilaktik videoroliklar harbiy xizmatchilar e'tiboriga namoyish etildi.

Podpolkovnik O'ktam XAITOV,
TOQQQ MTTB Yong'in xavfsizligi xizmati boshlig'i

Zakovat

KONSTITUTSIYA

BILIMDONLARI BELLASHDI

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 30 yilligi munosabati bilan Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy institutida oliy harbiy talim muassasalari kursantlari o'rtasida "Konstitutsiya – mamlakat taraqqiyoti va jamiyat farovonligining huquqiy kafolati!" shiori ostida intellektual musobaqa bo'lib o'tdi.



Unda Qurolli Kuchlar hamda Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyalari, Qurolli Kuchlar harbiy tibbiyot akademiyasi, Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti hamda Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti kursantlari bellashdi.

Kursantlarning huquqiy savodxonligi soha mutaxassislar tomonidan adolati va xolisona baholab borildi. Bahs va munozaralarga boy tarzda o'tgan bilimdonlar bellashuvida Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti birinchi, Qurolli Kuchlar akademiyasi va Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti ikkinchi, Qurolli Kuchlar harbiy tibbiyot hamda Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyalari kursantlari esa uchinchi o'rinni qo'lga kiritdi.

Musobaqa so'ngida "Impuls" harbiy ansambli xonandalari tomonidan ijro etilgan Vatanni madh etuvchi kuy va qo'shiqlar barchaning ko'ngliga xush kayfiyat ulashdi.

Mayor Sherqo'zi HAKIMOV



Ochiq eshiklar kuni

O'ZARO MANFAATLI

MEMORANDUM

Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligiga qarashli Qo'qon shahrida joylashgan harbiy qismda Prezident ta'lim muassasalari agentligi tizimidagi Farg'ona viloyati Uchko'priq tumani ixtisoslashtirilgan maktabi bilan harbiy qism qo'mondonligi o'rtasida memorandum imzolandi.



So'ngra yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash maqsadida o'quvchilarga "Harbiy qismda bir kun" mavzusida ochiq eshiklar kuni tashkillashtirildi.

Tadbir davomida yoshlar harbiy qism faoliyati bilan yaqindan tanishdilar. Shundan so'ng ular saf tayyorgarligi, qurol-aslahalar, muddatli harbiy xizmatchilar uchun jangovar tayyorgarlik xonalari, harbiy qism kutubxonasini ko'zdan kechirishdi.

Sh. EGAMBERDIYEV



Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida

BOSH QOMUSIMIZ
30 YIL LIGI

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Namangan viloyati kengashi tasarrufidagi Yangiqo'rg'on tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi harbiy xizmatchilarni, "Vatanparvar" tashkiloti xodimlari va barcha yurtdoshlarimizni 8-dekabr – O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun munosabati bilan samimiy tabriklaydi.

MUBORAK
BO'LSIN!

Aziz yurtdoshlar! Barchangizning ezgu ishlaringizda omad va muvaffaqiyat doimo yor bo'lsin!

Fursatdan foydalanib, tashkilot Yangiqo'rg'on tumanida istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilik o'quv kurslarida o'qishga hamda sportning texnik va amaliy turlaridan – "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting", "Motosport" va "Yozgi biatlon" kabi seksiyalarida shug'ullanishga taklif etadi.



Yangiqo'rg'on tumani
"Navkent" MFY,
"Vatanparvar" tashkiloti
o'quv binosi.
69 633-41-53;
97 252-33-26.

E'tirof

MEHNATNING
MUKOFOTI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-noyabrda farmoniga asosan, Konstitutsiya qabul qilinganining o'ttiz yilligi munosabati bilan "O'zbekiston Konstitutsiyasining 30 yilligi" esdalik nishoni ta'sis etildi.

Ushbu nishon bilan mamlakatimiz mustaqilligini mustahkamlash, uning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy, ilmiy, ma'naviy

salohiyatini yuksaltirish, mudofaa qudratini oshirish, davlatimiz sarhadlarining daxlsizligini ta'minlash, tinchlik va barqarorlikni, millatlararo do'stlik va totuvlikni asrash kabi sharaflari vazifalarni amalga oshirib kelayotgan barcha soha vakillari, mehnat faxriylari, harbiy xizmatchilar va huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari hamda boshqa shaxslar mukofotlanishi mumkin.

O'zbekiston milliy matbuot markazida Konstitutsiyamiz qabul qilinganiga 30 yil to'lishi munosabati bilan bir guruh ommaviy axborot vositalari xodimlariga "O'zbekiston Konstitutsiyasining 30 yilligi" esdalik nishonlarini topshirish marosimi bo'lib o'tdi.

E'tiborli jihat, ushbu marosimda Mudofaa vazirligi markaziy matbuot nashri «Vatanparvar» gazetasining



jonkuyar, fidoyi ikki nafar xodimi – jurnalist va shoira, Qurolli Kuchlar xizmatchisi Zulfiya Yunusova hamda tahririyat bosh mutaxassisi Qurolli Kuchlar xizmatchisi Zebo Sariyeva ham e'tirof etildi.

Aziz hamkasblar! Sizlarni ushbu yuksak e'tirof bilan chin dildan qutlaymiz. Yutuqlaringiz bardavom bo'lsin!

TAHRIRIYAT

BIR CHIMDIM

Hunari va odobi bo'lmagan kishidan baxt va davlat ketadi.

Mahmud KOSHG'ARIY

MANTIQNI YOQ!

XIX asr birinchi yarmiga kelib, Angliyada ayollar uchun keng yubkalar urfga kiradi. Shu vaqtda ingliz xonadonlarida yana bir yangilik paydo bo'ladiki, buning natijasida ayollar, xususan, uy bekalari orasida bevaqt o'limlar sodir bo'la boshladi.

Savol: ingliz xonadonlariga yana qanday yangilik kirib keldiki, keng yubka kiygan ayollar bilan salbiy holatlar yuz bergan?



Javob: bu yangilik sham edi. Ayollarning keng yubkalari krinolin degan matodan tikilgan. Bu yengil, tez yonuvchan mato bo'lgan.

HIKMAT

TIL VA YURAK

Rivoyat qilinishicha, Luqmoni Hakimga xojasi: "Qo'ying eng shirin joyini pishirib keling", debdi. Luqmoni Hakim qo'ying tili va yuragini pishirib, olib kelibdi. Xojasi yeb bo'lgach, Luqmonga haqiqatdan ham juda mazali ekan deb, tashakkur aytibdi. Kunlardan bir kun yana xojasi chaqirib: "Bu safar qo'ying eng achchiq joyini pishirib keling", debdi. Bu safar ham Luqmoni Hakim qo'ying tili va yuragini olib kelibdi. Shunda xojasi hayratlanib: "Ikki xil ta'mli go'sht so'rasam ham, bir joyini olib keldingiz, buning hikmati nimada?" deb so'rabdi. Luqmoni Hakim: "Xojam! Qalb yaxshi bo'lsa, butun jasad yaxshi bo'ladi, agar u yomon bo'lsa, butun jasad yomon bo'ladi. Shuning uchun ikki safar ham birdek taom tayyorladim", degan ekan.

@Vatanparvargazetasi_bot
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

Badia

QOR QUVONCHLARI

Qish... U ko'pdan ko'nikkanimizdan boshqacharoq tashrif buyurdi. Ilk kunlaridan sovuq. Ammo tabiat mukammal bir muvozanatga qurilgan. Quruq qor yog'di, go'yo dov-daraxtlar, maysalarni ayoqdan asramoqchidek.



Uning bag'rida yangi hayot boshlamoqchi! Borliq, Tiriklik uchun bu hayot.

Oq, oppoq qor... Inson uchun, qo'ri, qutli rizq uchun ona Yer bag'riga shoshilyapti, ona Tuproqqa mujdalar bo'lib yog'yapti.

Yog', yog'aver, sevinchimizni ziyoda qil, barokatingdan daryolarimiz to'lib oqsin, tuproqlarimiz unumdor, serhosil bo'lsin, to'qlik, farovonlik darakchisi bo'!

Inobat NODIRSHOH

Qor parchalari sasini tinglaganmisiz? U ba'zan iliq, ba'zan sovuq, shoshqaloq, sershovqin yomg'irga o'xshamaydi. Parpirab uchib-uchib, yerga ohista singib ketadigan parchalar. Ularni tinglab ko'ring-a, anglash qiyinmi? Eshitmadingizmi? Unda nega ilk qor parchalarini ko'rib sevinib ketdingiz?

Qalbingiz allanarsalarni sezdi. Sevinchingiz o'sha sezimlardan! Qor horg'in tin olayotgan zaminga intilyapti.

VATANPARVAR

MUASSIS

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: leytenant Dilshod Ro'ziqulov

Sahifalovchi: Nodirabegim Ne'matova
Musahhih: Mastura Qurbonova

Buyurtma: F-1205

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 420 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqib boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.